3. Психологическая готовность к профессиональной деятельности представляется процессом, в котором человек осуществляет осознание своих потребностей, целей, мотивов, оценку и прогнозирование, расчет и мобилизацию своих ресурсов необходимых для решения поставленных задач.

4. К структурным компонентам метакогнитивных факторов относятся: метакогнитивные процессы, включающие в себя контроль и регуляцию процесса познания, управление познанием, моделирование и целеполагание, программирование и самоконтроль процессов познания; метакогнитивные знания, где важным является знание закономерностей, условий, средств познания.

5. Несмотря на различия в интерпретации структурных компонентов метапознания все авторы выделяют:

- рефлексивный аспект метапознания, где подразумевается знание человека о собственном познании и об особенностях собственной познавательной сферы;

- регулятивный аспект метапознания: стратегии, интеллектуальные знания при помощи которых человек контролирует свое собственное познание и управляет им.

6. По мнению большинства авторов исследований роль метакогнитивных факторов в психологической готовности к профессиональной деятельности заключается в: осознании своих сильных и слабых сторон, метакогнитивном планировании, стратегическом мышлении, контроле и коррекции хода процесса, гибкости и адаптивности, управлении эмоциями и стрессом. Применение всех этих процессов позволяет успешно выполнять свою профессиональную деятельность и эффективно использовать собственные ресурсы.

Список используемой литературы:

1. Flavell J.H. Metacognition and cognitive monitoring: a new area of cognitivedevelopmental inquiry // American Psychologist. 1979. Vol. 34. P. 906–911.
2. Schraw, G. & Dennison, R.S. (1994) Assessing metacognitive awareness. Contemporary Educational Psychology. 19. pp. 460–475. DOI: 10.1006/ceps.1994.1033.
3. Schraw, G. & Moshman, D. (1995) Metacognitive Theories. Educational Psychology Review. 1995. 7(4). pp. 351–371. DOI: 10.1007/s10648-017-9413-7
4. Шартъе Д., Лоарер Э. Обучение и перенос когнитивных и метакогнитивных стратегий // Когнитивное обучение: современное состояние и перспективы / под ред. Т. Галкиной, Э. Лоарера; пер. с фр. И. Блинниковой. М.: Ин-т психологии РАН, 1997. С. 201–216.
5. Brown A. L. Metacognition, executive control, self-regulation and other more mysterious Mechanisms // Metacognition, Motivation, and Understanding. Ch. 3, New Jersey, 1987, pp. 65–116.
6. Холодная М.А. Психология интеллекта: парадоксы исследования. СПб.: Питер, 2002. 272 с.
7. Расщепкина Н.А. Общекультурные компетенции как компоненты инновационного потенциала студента технического вуза // Научное мнение. 2015. Т. 4, №2. С. 22
8. Кислякова М.А. Развитие метакогнитивных умений студентов-гуманитариев на занятиях по математике // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. 2010. № 5. С. 79–89.
9. Чернокова Т. Е. Метакогнитивная психология: проблема предмета исследования. // Вестник Поморского университета. Серия: Гуманитарные и социальные науки. — 2011. № 3. — С. 153–158.
10. Карпов А.В., Скитяева И.М. Психология метакогнитивных процессов. М.: Ин-т психологии РАН, 2005. 352 с.
11. Дьяченко М.И., Кандыбович Л.А. Психологические проблемы готовности к деятельности. — Минск: Изд-во БГУ, 1976. — 176 с.
12. Деркач А.А., Исаев А.А. Педагогика и психология деятельности организатора детского спорта. — М.: Просвещение, 1985. — 177 с.
13. Психология. Учебник для гуманитарных вузов / Под общ. ред. В. Н. Дружинина. — СПб.: Питер, 2001 — 656 с.
14. Hamilton K., Morrissey S. A., Farrell L. J. [etc.] Increasing Psychological Literacy and Work Readiness of Australian Psychology Undergraduates through a Capstone and Work-Integrated Learning Experience: Current Issues and What Needs to be Done // Australian Psychologist. 2018 Vol. 53, Issue 2 P. 151–160. DOI: https://doi.org/10.1111/ap.12309
15. Skilton C. J. Involving Experts by Experience in Assessing Students' Readiness to Practise: The Value of Experiential Learning in Student Reflection and Preparation for Practice // Social Work Education. 2011 Vol. 30, Issue 3 P. 299–311. DOI: http://doi.org/10.1080/02615479.2010.482982
16. Kek M., Huijser H. Exploring the combined relationships of student and teacher factors on learning approaches and self-directed learning readiness at a Malaysian university // Studies in Higher Education. 2011 Vol. 36, Issue 2 P. 185–208. DOI: http://doi.org/10.1080/03075070903519210
17. Staniewski M. W., Szopiński T. Student readiness to start their own business // Economic Research – Ekonomska Istrazivanja. 2015 Vol. 28, Issue 1 P. 608–619. DOI: https://doi.org/10.1080/1331677X.2015.1085809

Turayeva Dilafruz Rustamboyevna,
Toshkent Kimyo Xalqaro universiteti "Pedagogika
va psixologiya" kafedrası professori vazifasini
bajaruvchisi, PhD

PEDAGOGIK FAOLIYATDA MULOQOT USLUBLARI SAMARALI O'QITISHNING ASOSIY OMILI SIFATIDA

УДК: 159.9.07

HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_4_3

TURAYEVA D.R. PEDAGOGIK FAOLIYATDA MULOQOT USLUBLARI SAMARALI O'QITISHNING ASOSIY OMILI SIFATIDA

Ushbu maqolada ijtimoiy-pedagogik psixologiya sohasidagi hozirgi tadqiqotlar va ularning ta'lim jarayoniga ta'siri tahlil qilingan. Tadqiqotda ikki tilli va bir tilli talabalar orasidagi kognitiv jarayonlar, diqqat va xotira, mantiqiy masalalarni hal qilishdagi farqlar va ikki tilli talabalarning muammoli vaziyatlarga moslashish qobiliyati o'rganilgan. Maqolada, shuningdek, ta'lim tizimidagi boshqaruv va muloqot uslublarining samaradorligi, ularning o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasidagi munosabatlarga qanday ta'sir qilishi ko'rsatilgan. Tadqiqotda, pedagogik boshqaruv uslublarining o'qituvchining shaxsiy yondashuvini shakllantirishdagi roli, hamda zamonaviy ta'lim yondashuvlari va ularning ta'lim jarayonidagi o'rni muhokama qilinadi. Maqola, pedagogik faoliyatni takomillashtirish va ta'lim sifatini oshirishga qaratilgan takliflar bilan ta'lim tizimining samaradorligini oshirishga yordam berish maqsadida yozilgan.

Tayanch so'z va tushunchalar: ijtimoiy-pedagogik psixologiya, uslub, muloqot, tahlil, pedagog, muloqot uslubi, boshqaruv, faoliyat uslublari, shaxsiy sifatlar.

ТУРАЕВА Д.Р. СТИЛИ ОБЩЕНИЯ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК ОСНОВНОЙ ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ

В данной статье проанализированы современные исследования в области социально-педагогической психологии и их влияние на образовательный процесс. Исследуются различия в когнитивных процессах, таких как внимание и память, решение логических задач у студентов, говорящих на двух и одном языке, а также способность студентов, владеющих двумя языками, адаптироваться к проблемным ситуациям. В статье также рассмотрены эффективность стилей управления и общения в образовательной системе, а также влияние этих стилей на отношения между преподавателем и студентами. В исследовании обсуждается роль педагогических стилей управления в формировании индивидуального подхода преподавателя, а также современные образовательные подходы и их роль в образовательном процессе. Статья написана с целью повышения эффективности образовательной системы и улучшения качества образования через предложения по совершенствованию педагогической деятельности.

Ключевые слова и понятия: социально-педагогическая психология, стиль, общение, анализ, педагог, стиль общения, управление, стили деятельности, личностные качества.

TURAYEVA D.R. COMMUNICATION STYLES IN PEDAGOGICAL ACTIVITIES AS THE MAIN FACTOR OF EFFECTIVE LEARNING

It examines differences in cognitive processes such as attention and memory, solving logical problems in students who speak two and one language, as well as the ability of students who speak two languages to adapt to problematic situations. The article also examines the effectiveness of management and communication styles in the educational system, as well as the impact of these styles on the relationship between the teacher and students. The study discusses the role of pedagogical management styles in the formation of an individual approach of the teacher, as well as modern educational approaches and their role in the educational process. The article is written with the aim of increasing the efficiency of the educational system and improving the quality of education through proposals for improving pedagogical activity.

Key words and concepts: social and pedagogical psychology, style, communication, analysis, teacher, communication style, management, activity styles, personal qualities.

Kirish.

Ijtimoiy-pedagogik psixologiya bo'yicha dunyo miqyosida ko'plab tadqiqotlar o'tkazildi va hozirgi kunda ham o'tkazilmoqda. Ular yuqori ta'lim tizimiga kompleks yondashuvga, ta'lim va tarbiya o'quv-uslubiy asoslarini aniqlashga, o'quv jarayonining tabiatini o'rganishga, o'quv jarayonining tarkibiy qismlarini tahlil qilish ko'rsatkichlariga, o'qituvchi shaxsiga, uning kasbiy sifatleri va mahorati darajasiga, muloqot metodlariga, "o'qituvchi-o'quvchi" munosabatlariga bag'ishlangan.

Mavzu dolzarbligi. Hozirgi kunda ta'lim tizimi, ayniqsa, oliy o'quv yurtlarida, o'quvchilarning muvaffaqiyatli o'qishini ta'minlash va ularning shaxsiy rivojlanishini qo'llab-quvvatlash muhim ahamiyatga ega. Ta'lim jarayonining samaradorligi faqatgina ilmiy bilimlarni berish bilan cheklanib qolmaydi, balki o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi o'zaro muloqotning sifati, boshqaruv uslublarining moslashuvchanligi va o'quvchilarning shaxsiy xususiyatlarini inobatga olish orqali shakllanadi.

Shu bilan birga, ta'lim jarayonida muloqot va boshqaruv uslublari o'qituvchining ta'lim faoliyatini qanday olib borishini va o'quvchilar bilan qanday aloqada bo'lishini belgilaydi. Avtoritar, demokratik va liberal boshqaruv uslublari har biri o'ziga xos afzalliklarga va kamchiliklarga ega bo'lib, ularning samarali qo'llanilishi o'quvchilarning o'qishdagi muvaffaqiyatini oshirishi mumkin. Har bir o'quvchining shaxsiy xususiyatlarini inobatga olish, o'ziga xos yondashuvni tanlash va o'qituvchining boshqaruv uslublarini moslashtirish ta'lim jarayonining muvaffaqiyatini oshiradi.

Shu sababli, ushbu maqolada pedagogik boshqaruv uslublarining tahlili, o'qituvchi va o'quvchi o'rtasidagi muloqotning o'ziga xos xususiyatlari, shuningdek, zamonaviy pedagogik yondashuvlarni qo'llashning ahamiyati ko'rib chiqiladi. Maqola ta'lim tizimida boshqaruv va muloqot uslublarini yaxshilashga qaratilgan taktikalar bilan ta'lim jarayonini takomillashtirishga qaratilgan muhim tavsiyalarni taqdim etadi. Bu, o'z navbatida, ta'lim tizimining samaradorligini oshirishga, o'qituvchilarni malakasini oshirishga va o'quvchilar bilan samarali muloqot o'rnatishga yordam beradi.

Tadqiqotning maqsadi. Ushbu tadqiqotlarda o'qituvchining faoliyat usulining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari «o'qituvchi-o'quvchi» munosabatlar tizimida alohida tadqiqot masalasi sifatida chuqur o'rganilmagan. Shu sababli, ijtimoiy psixologiya va pedagogikaning dolzarb muam-malaridan biri va hozirgi kunga qadar qolayotgan masala o'qituvchining faoliyat uslubi, o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasidagi munosabatlar, ularning bir-birlariga bo'lgan qarashlarini o'rganishdir.

Bizning respublikamizda ta'lim va fan rivojini, ta'lim sifatini va samaradorligini oshirish masalalariga alohida e'tibor qaratilmoqda. Yuqori ta'lim muassasalarining faoliyatini isloh qilishga qaratilgan bir qator qonunlar va hukumat qarorlari qabul qilindi. O'zbekiston Respublikasi to'rtinchi qiyotining kelgusi strategiyasining yosh avlodni tarbiyalashning ustuvor vazifalari belgilab qo'yilgan, yoshlarga ma'naviyat va madaniyatni oshirishga qaratilgan tadbirlar samaradorligini oshirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar ishlab chiqilgan. Bu o'z navbatida, o'qituvchilar va o'quvchilar o'rtasidagi munosabatlar psixologiyasi va hamkorlik psixologiyasi asosida qayta ko'rib chiqish zaruratini keltirib chiqardi. Avvalgi tajribani inkor etmasdan, ushbu mavzu bo'yicha yangi tadqiqotlar va ilmiy izlanishlarni olib borish zarur. Olingan natijalarni amaliyotga bosqichma-bosqich joriy etish lozim.

Mavzu bo'yicha ilmiy adabiyotlar tahlili. So'nggi yillarda jahon amaliyotida yetakchi olim-pedagoglar va psixologlar o'qituvchining faoliyatining ijtimoiy-psixologik va pedagogik mohiyatini turli jihatlarini o'rgandilar. John Hattie¹ – avstraliyalik pedagog va tadqiqotchi, o'qish muvaffaqiyatiga ta'sir qiluvchi omillarni metatahlil qilish bilan mashhur. Uning «Visible Learning» nomli asari turli pedagogik faoliyatning o'quvchilarning muvaffaqiyatiga ta'sirini o'rganadi. Andy Hargreaves² (2021) – kanadalik ta'lim sohasidagi tadqiqotchi, o'qituvchilarning kasbiy faoliyatidagi o'zgarishlarni, globalizatsiya va islohotlarning pedagogikaga ta'sirini, shuningdek, o'qituvchining emotsional jihatlarini o'rganadi. Dylan Wiliam³ (2004) – britaniyalik pedagog va tadqiqotchi, uning asarlari formativ baholash va uning pedagogik amaliyotdagi o'rnini o'rganishga qaratilgan. U baholashning pedagogik faoliyat samaradorligiga qanday ta'sir qilishi mumkinligini tadqiq qiladi. Linda Darling-Hammond⁴ (2013) – amerikalik pedagog va tadqiqotchi, o'qituvchilarni tayyorlash va kasbiy rivojlanish masalalari, shuningdek, ta'limda adolat masalalarini o'rganadi. Viviane Robinson⁵ (2000) – yangizelandiyalik tadqiqotchisi, ta'limdagi liderlik sohasidagi ishlari bilan tanil-

gan. U o'quv muassasalaridagi rahbarlikning pedagogik amaliyot va o'quvchilarning muvaffaqiyatlariga qanday ta'sir qilishini o'rganadi. David Perkins⁶ (2010) – amerikalik tadqiqotchi, tushunishni o'rganish va fikrlashni rivojlantirishga asoslangan ta'lim masalalari, shuningdek, pedagogikada innovatsion usullarni o'rganadi. Carol Dweck⁷ (2006) – amerikalik psixolog, uning «o'sish fikrlash» (growth mindset) haqidagi ishlari pedagogikaga katta ta'sir ko'rsatgan. U o'qituvchilar va o'quvchilarning fikrlash va qarashlari ta'limga qanday ta'sir qilishini o'rganadi. Michael Fullan⁸ (2010) – kanadalik tadqiqotchi, ta'limni isloh qilish, o'qituvchilarning kasbiy rivojlanish masalalari bilan shug'ullanadi va pedagogik faoliyatni ta'lim tizimidagi o'zgarishlar orqali qanday yaxshilash mumkinligini o'rgangan.

Tadqiqot obyekti "o'qituvchi-o'quvchi" hamkorligi tizimida o'qituvchi faoliyatining motivatsiya beruvchi uslubining ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini aniqlash jarayoni bo'lib, Toshkent shahar, Jizzax, Sirdaryo, Xorazm viloyati maktab o'qituvchilari va o'quvchilari tashkil etadi.

Empirik o'rganish natijalari. O'quv-tarbiya jarayonini boshqarish pedagogik faoliyatning asosiy funksiyalaridan biridir. Muloqot, o'z navbatida, muloqot vositalari yordamida amalga oshiriladi. Shunday qilib, muloqot va muloqot o'rtasida chambarchas bog'liqlik mavjud. Muloqot faqat buyruqlar berishdan iborat emas, balki muloqot usullarini ham anglatadi. Biz universitetdagi darslarda o'qituvchi va o'quvchilar o'rtasidagi turli muloqot uslublarini o'rgandik. Bir dars davomida biz «Flander's tizimi»⁹ bo'yicha muloqot tahlili sxemasi asosida xronometrik kuzatuvlar o'tkazdik.

Kuzatish maqsadlari: o'qituvchining muloqot uslubini tahlil qilish. Obyektiv natijalarga erishish uchun darsni bosqichlarga va kategoriya-larga shartli ravishda bo'ldik:

- o'quv faoliyatini tashkil etish;
- materialni tushuntirish;

⁶ <https://pz.harvard.edu/sites/default/files/Learning%20>

⁷ Дуэк К. Гибкое сознание / К. Дуэк — «Манн, Иванов и Фербер (МИФ)», 2006

⁸ <https://www.worldedsummit.com/speakers/michael-fullan/>

⁹ Коломинский Я.Л., Плещачева Н.М., Заяц И.И., Митрахович О.А. Психология педагогического взаимодействия. Учебное пособие. - СПб.: Речь, 2007. - 240 с.

¹ Хэтти, Джон Видимое обучение для учителей: как повысить эффективность педагогической работы / Джон Хэтти. – Москва: Национальное образование, 2021. – 320 с.

² <https://www.bc.edu/bc-web/schools/lynch-school>

³ <https://www.worldedsummit.com/speakers/professor-dylan-wiliam>

⁴ Дарлинг-Хаммонд, Линда. «Правильная оценка учителей: что действительно важно для эффективности и совершенствования». Teachers College Press (2013)..

⁵ Robinson, V. M. J. (2001) Embedding leadership in task performance, in K. WONG & C. EVERS (Eds), Leadership for Quality Schooling: International perspectives (London: Falmer Press), pp. 90-102.

- o'quvchilar tomonidan berilgan savollarga o'qituvchining reaksiyasi;

- o'qituvchining o'quvchilar savollariga munosabati;

- pauzalar yoki «suhbat mavzusini yo'qotish»;

- o'quvchilar tushuntirishlari;

- motivatsiya.

Dars davomida o'qituvchining muloqot usullarini va muloqotni kuzatish, o'rtacha miqdorini hisoblash, o'quvchilar bilan muloqoti natijalari jadval shaklida taqdim etilgan va tahlil qilingan. Quyida qo'lga kiritilgan natijalar tahlili keltirilgan: o'qituvchining o'quvchilar bilan o'quv faoliyatini tashkil etishdagi murojaatlari va o'quvchilar javoblari (n=28), o'quv faoliyatini tashkil etish (A) 57,1%; kooperatsiyani tashkil etish (B) 14,2%; vaziyatga qarab ish (C) 11,07%. Yangi materialni tushuntirishda ijodiy elementlarni qo'llash (A) 46,7%, topshiriqlarni bajarishni tashkil etish (B) 22,1%. O'qituvchining savollariga o'quvchilar javoblari (javob kutish bilan birga) (A) 45,7%, javob yo'qligi ham kuzatiladi (B) 2,8%. O'qituvchining savollariga o'quvchilar to'liq javoblari (A) 52,8%; qisqa javoblar (B) 18,9%; noaniq javoblar (C) 6,4%. O'qituvchining xatosi tufayli darsda pauza yoki «suhbat zanjirini uzilishi» – jami 11,4%. Darsning barqaror ritmi (A) 55%, ijodiy faoliyatning «kulminatsiyasi» (B) 10%. Qiziqishning obyektiv bahosi (motivatsiya) (A) 32,1%, subyektiv bahosi (B) 31,7%.

Olingan natijalar, Sharqshunoslik institutining o'qituvchilari bilan muloqot uslubini quyidagicha belgilaydi: demokratik muloqot uslubi (1a, 2a, 3a, 4a, 6a, 7a) – 48,2%, avtoritar muloqot uslubi (1b, 2b, 3b, 4b, 6b, 7b) – 17,8%, va liberal muloqot uslubi – 9,6%.

Avtoritar muloqot uslubi o'qituvchining buyruq shaklida murojaatlari, monologik nutqning ustunligi, individual muloqot doirasining mavjudligi (ya'ni, muloqotda asosan yaxshi o'qiyotgan o'quvchilar ishtirok etadi), o'qituvchidan kuchli hokimiyatni va yuqori ko'rinishni namoyon qilish, o'quvchilarning bilimlarini baholashda qat'iyatlilik bilan tavsiflanadi (1b, 2b, 3b, 4b, 6b, 7b).

Demokratik muloqot uslubida esa individual muloqot doirasi kengayadi, asosan dialogik nutq ishlatiladi, buyruq shaklida murojaatlar yo'q, o'quvchilar odob-axloq qoidalariga rioya qilishga intilishadi, o'qituvchidan qo'llab-quvvat-

lash, javoblarni tayyorlash va so'zlarni tanlashda yordam olishadi, tanqidga tushunish bilan yondashadilar va muloqotda qiziqish bilan ishtirok etadilar (1a, 2a, 3a, 4a, 6a, 7a).

Liberal muloqot uslubida o'quv faoliyati vaziyatga qarab tashkil etiladi, bu holda savollarga javoblar, «ishlamaydigan» pauzalar va darsning ritmini buzilishi kam uchraydi. Muloqot uslublarini o'rganish va tahlil qilishda o'qituvchining jinsi va ish tajribasi kabi omillar ham hisobga olingan. Aniqlanganidek, erkak pedagoglarda ko'proq avtoritar muloqot uslubi, tajribali pedagoglarda esa demokratik muloqot uslubi hukmronlik qiladi. Erkak pedagoglar orasida 6-10 yillik ish tajribasiga ega bo'lganlarda esa liberal muloqot uslubi mavjud. Ularning ishga bo'lgan talablar kamaygan, funksional vazifalarni bajarish kollektiv zimmasiga yuklangan, ish tartibiga rioya qilmaslikka nisbatan bag'ishlangan munosabat yumshoq.

Olingan natijalar maktab o'qituvchilarning muloqot uslubini quyidagi yo'nalishlar (kategoriyalar) bo'yicha aks ettiradi: demokratik muloqot uslubi bo'yicha harakatlar kategoriyasi 44 ta ta'sirni tashkil etadi; avtoritar muloqot uslubi bo'yicha harakatlar kategoriyasi – 28 ta ta'sir, liberal muloqot uslubi bo'yicha harakatlar kategoriyasi esa 8 ta ta'sirni tashkil etadi.

R. Kettell testi¹ yordamida o'qituvchilarning o'quvchilar bilan o'zaro ta'sirda namoyon bo'ladigan shaxsiy sifatleri aniqlangan. O'qituvchilarda quyidagi shaxsiy sifatlar mavjud: muloqotga ochiqlik (A; 10,4 ball), qat'iyatlilik, aniq ishlash (G; 8,9 ball), ijtimoiy jasorat (N; 7,5 ball), hissiy barqarorlik, jasurlik (I; 6,6 ball); maqsadga yo'naltirilganlik, integratsiya (Q3; 7,8 ball). Ushbu metodika asosida erkak pedagoglar va ayol pedagoglar o'rtasida shaxsiy sifatlar bo'yicha ba'zi farqlar aniqlangan. Erkak pedagoglar uchun quyidagi natijalar olingan: hissiy barqarorlik, his-tuyg'ularni nazorat qilish (C; 6,9 ball), ehtiyotkorlik (L; 5,3 ball), tadbirkorlikka moyillik (M; 5,6 ball), mustaqillik va qaror qabul qilish (Q2; 5,1 ball), o'z his-tuyg'ulari va harakatlarini yaxshi tashkil etish (Q3; 8,1 ball); ayol pedagoglar uchun esa quyidagilar aniqlangan: intellektuallik, mantiqiy va abstrakt fikr-

¹ Райгородский Д.Я. (редактор-составитель). Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Учебное пособие. – Самара: Издательский Дом БАХРАХ, 1998 – 672 с.

1-jadval. O'qituvchi-o'quvchilar o'rtasidagi muloqot uslubiga qarab o'zaro ta'sir kategoriyalarining taqsimlanishi

O'zaro harakat kategoriyalari (toifalari)	Muloqot uslublari	O'rtacha hisobda	%
O'quv faoliyatini tashkil qilish 1. 2.	Demokratik	16	57,1%
	Avtoritar	4	14,2%
	Liberal	3,1	11,07%
Materialni tushuntirish 3.	Demokratik	13,1	46,7%
	Avtoritar	6,2	22,1%
	Liberal	0	0
O'quvchilarga berilgan savollariga o'qituvchining holati 4. 5.	Demokratik	12,8	45,7%
	Avtoritar	2,8	10%
	Liberal	0	0
O'quvchilar savollariga o'qituvchining reaksiyasi (munosabati) 6. 7.	Demokratik	14,8	52,8%
	Avtoritar	5,3	18,9%
	Liberal	1,8	6,4%
Sukut saqlash yoki chalg'ib ketish	Demokratik	3,2	11,4%
	Avtoritar	0	0
	Liberal	0	0
O'quvchilarni tushunish 8. 9.	Demokratik	15,4	55%
	Avtoritar	2,8	10%
	Liberal	0	0
Rag'batlantirish 10.	Demokratik	9	32,1
	Avtoritar	8,9	31,7
	Liberal	0	0

lashni rivojlantirish (V; 4,9 ball), liderlikka intilish, mustaqillik va ishonchli bo'lish, hokimiyatni qo'lga kiritish (E; 5,8 ball). 6-10 yillik ish tajribasiga ega bo'lgan ayollarda o'z his-tuyg'ularini nazorat qilish qiyinlashadi, ularning qiziqishlari o'zgaradi, asab tizimi zaiflashadi (C; 4,5 ball). Shunday qilib, yuqori ish tajribasi va tajribaga ega pedagoglarda demokratik muloqot uslubi mustahkamlanadi.

Xulosa.

Yuqoridagi ma'lumotlar asosida keng xulosa qilish mumkin bo'lsa, pedagogik faoliyatda muloqot va muloqot uslublarining o'zaro bog'liqligi va o'qituvchi-o'quvchilar o'rtasidagi samarali aloqaning ahamiyati ko'rsatilgan.

Shuningdek, har bir muloqot uslubining o'ziga xos afzalliklari va kamchiliklarini tushunish, o'qituvchining o'quv jarayonidagi yondashuvlarini yanada yaxshilashga yordam beradi.

Avtoritar uslub ko'proq buyruq berishga, qat'iyatlilikka va aniq ko'rsatmalar berishga asoslanadi. Bu uslubda o'qituvchining hokimiyati ustun bo'lib, o'quvchilar ko'proq o'zini tutishga, qat'iy qoidalarga amal qilishga majbur bo'lishadi. Biroq, bu uslubda o'qituvchining

yuqori hokimiyati ba'zan o'quvchilar bilan o'zaro tushunishni qiyinlashtirishi, ijodiy va erkin fikrlashni cheklashi mumkin.

Demokratik uslub esa o'quvchilar bilan o'zaro muloqotni ochiq va samimiy qilishni, ularning fikrini eshitishni va ular bilan birgalikda qarorlar qabul qilishni ta'minlaydi. Bu uslubda o'quvchilar o'zlarini erkin va qulay his qilishadi, ular o'qituvchidan qo'llab-quvvatlash, yordam va motivatsiya olishadi. Biroq, bu uslubda o'qituvchi har bir o'quvchiga alohida e'tibor berishga majbur bo'lishi mumkin, bu esa vaqt va resurslar talab qiladi.

Liberal uslub esa o'quvchilar o'zlarini yanada erkin his qilishlari va o'qituvchining kamroq nazorati ostida ishlashlari mumkin. Bu uslubda muloqot ko'pincha qiyinlashadi, chunki o'quvchilar ko'proq o'z fikrini erkin ifodalashadi, lekin ba'zida bu muloqot samaradorligini pasaytirishi mumkin. Shuningdek, **o'qituvchining yoshi, tajribasi va jinsi** ham muloqot uslubiga ta'sir qilishi mumkin. Erkak pedagoglar ko'proq avtoritar uslubni qo'llashadi, ayol pedagoglar esa ko'proq demokratik yondashuvni tanlashadi. Tajribali o'qituvchilar esa ko'pincha **demokratik uslubni** afzal ko'rishadi, chunki ular o'quvchilar

bilan yanada ochiq va samimiy muloqot qilishni ma'qul ko'rishadi.

Muloqot uslublarining kombinatsiyasi o'qituvchining samarali faoliyat ko'rsatishi uchun juda muhimdir. Har bir o'quvchiga alohida yondashish, uning shaxsiy xususiyatlarini hisobga olish, unga yordam berish va motivatsiya qilish orqali o'qituvchi o'z ishini yanada samarali amalga oshirishi mumkin. Bundan tashqari, o'qituvchi o'z uslublarini turli vaziyatlarga qarab moslashtirishga qodir bo'lishi kerak. Umuman olganda, pedagogning malakasi, tajribasi va uslubining to'g'ri tanlanishi o'quv jarayonining samaradorligini oshiradi. O'qituvchi har bir o'quvchiga individual yondashishni, uni yaxshiroq tushunishni va qo'llab-quvvatlashni maqsad qilish orqali o'z ishini muvaffaqiyatli amalga oshirishi mumkin.

Yuqoridagi tahlillarga asoslanib, pedagogik jarayonni yanada samarali qilish uchun bir qancha **takliflarni** ilgari surish mumkin:

1. O'qituvchilarga o'z uslublarini o'quv jarayonida moslashtirish imkoniyatini yaratish zarur. Ular, o'quvchilar bilan muloqotda bo'lib, avtoritar, demokratik va liberal uslublarni birlashtirish orqali har bir o'quvchiga individual yondashishlari kerak. Boshqaruv uslublarini to'g'ri kombinatsiya qilish o'qituvchining o'quvchilar bilan o'zaro aloqasini samarali va muvozanatli qiladi.

2. O'qituvchilar har bir o'quvchi bilan individual ishlashga ko'proq vaqt ajratishlari kerak. Har bir o'quvchini uning shaxsiy xususiyatlari, temperamentiga qarab qo'llab-quvvatlash, motivatsiya qilish va uni o'qish jarayoniga jalb qilish samarali natijalarga olib keladi. Buning uchun, o'qituvchilarga o'quvchilarning shaxsiy xususiyatlari va ehtiyojlariga moslashadigan treninglar o'tkazish tavsiya etiladi.

3. Pedagoglar o'z malakalarini oshirish uchun muntazam ravishda seminarlar, treninglar va pedagogik amaliyotlar orqali yangi o'qituvchilarga o'z uslublarini takomillashtirishga va yangi pedagogik yondashuvlarni sinab ko'rishga yordam beradi. Shuningdek, tajribali o'qituvchilar o'z uslublari va yondashuvlarini o'rtoqlashish uchun uchrashuvlar va seminarlar tashkil etishlari mumkin.

4. Erkak va ayol o'qituvchilar o'rtasidagi boshqaruv uslublari farqlarini inobatga olib,

o'qituvchilarni o'z jinsiy va yosh xususiyatlariga mos yondashuvda rivojlantirish kerak. Masalan, erkak pedagoglar uchun avtoritar uslubni qanday samarali qo'llash mumkinligi haqida treninglar o'tkazish, ayol pedagoglar uchun esa ko'proq demokratik va individual yondashuvlarni rivojlantirishga qaratilgan metodlarni o'rganish lozim.

5. O'qituvchilarga o'quvchilarni qo'llab-quvvatlash va ularning o'qishga bo'lgan qiziqishini oshirish uchun motivatsiya tizimini kuchaytirish zarur. Bunda, o'qituvchilar o'quvchilarga ijobiy turtki berib, ularning o'qishga bo'lgan ishtiyoqini yanada oshirishlari lozim. Masalan, o'quvchilar bilan muntazam ravishda individual va guruhli suhbatlar o'tkazish, ularning muvaffaqiyatlarini e'tirof etish va mukofotlash tizimini joriy etish tavsiya etiladi.

6. Pedagoglar o'z hissiy barqarorliklarini rivojlantirishga alohida e'tibor qaratishlari kerak. Buning uchun o'qituvchilarga stressni boshqarish va hissiy holatni nazorat qilish bo'yicha treninglar va qo'llanmalar taqdim etish muhimdir. Bu o'qituvchilarning o'z ishiga bo'lgan yondashuvini yaxshilaydi va o'quvchilarga yanada samimiy va ijobiy muloqot qilish imkonini yaratadi.

7. O'qituvchilarga zamonaviy pedagogik metodlar, shu jumladan, innovatsion texnologiyalarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish bo'yicha o'qituvchilarni tayyorlash zarur. Interaktiv va kooperativ ta'lim metodlari, onlayn platformalar va raqamli vositalardan foydalanish o'qitish jarayonini yanada samarali qiladi.

8. O'qituvchilar o'rtasida hamkorlikni kuchaytirish muhimdir. Ularning birgalikda ishlashlari va tajriba almashishlari o'zaro o'qitish uslublarini yaxshilashga yordam beradi. O'qituvchilarni guruhlar yoki jamiyatlar shaklida birlashtirish, o'zaro fikr almashish, metodik tajribalar bilan bo'lishish, samarali o'qitishning eng yaxshi usullarini ishlab chiqishga yordam beradi.

9. Shu tarzda, pedagogik faoliyatda boshqaruv va muloqot uslublarini to'g'ri tanlash va moslashtirish, o'qituvchilarni muntazam ravishda rivojlantirish va o'quvchilar bilan samimiy ehtiyotkorona muloqot o'rnatish orqali ta'lim jarayonini yanada samarali qilish mumkin.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://conf.nis.edu.kz/nis-conference/xii-conference/speakers/andy-hargreaves/>
2. Вяткина З.Н. Индивидуальный стиль деятельности преподавателя на уроке в зависимости от свойств нервной системы // Темперамент и спорт. Пермь, 1976. Вып. 3. С. 99-117.
3. Илин Е.П. Психология индивидуальных различий. – СПб.: Питер, 2004. – 701 с.
4. Келасев В.Н. Особенности профессиональной деятельности мастеров профтехучилищ в связи со свойствами личности // Экспериментальная и прикладная психология. Вип. 4. л., 1971. С. 95-100.
5. Климов Е.А. Индивидуальный стиль деятельности в зависимости от типологических свойств нервной системы. - Казань: Изд-во КГУ, 1969.
6. Коломинский Я.Л., Плещакёва Н.М., Заяц И.И., Митрахович О.А. Психология педагогического взаимодействия. Учебное пособие-СПб.: Речь, 2007.- 240с.
7. Коротаев А.А., Тамбовцева Т.С. Исследования индивидуального стиля педагогического общения // Вопросы психологии. - Москва, 1990. - № 2, - С. 62-79.
8. Маркова А.К., Никонова А.Я. Психологические особенности индивидуального стиля деятельности преподавателя // Вопросы психологии. Москва, 1987. - № 5. - С. 40-48.
9. Петрова Н.И. Некоторые особенности индивидуального стиля трудовой деятельности преподавателя на уроке: Автореф. дисс. ... канд. наук.л. - 1970.
10. Райгородский Д.Я. (редактор-составитель). Практическая психодиагностика. Методики и тесты. Учебное пособие. - Самара: Издательский Дом БАХРАХ, 1998 - 672 с.
11. Субботин В. Индивидуальный стиль деятельности преподавателя как фактор интенсификации учебного процесса в средней школе // Психолого-педагогические основы интенсификации учебного процесса в различных педагогических системах. Тезисы Уральской научно-методической конференции. - Ижевск, 1987. - С. 59-61.
12. Толочек В.А. Стили профессиональной деятельности. - М.: Смысл, 2000.
13. Толочек В.А. Триада управления и стиль руководств // Социологические исследования. 1992. № 1.
14. Щукин М.Р. Индивидуальный стиль и интегральная индивидуальность: проблемы и подходы // Психологический журнал. 1995. № 2.
15. Щукин М.Р. Проблема развития стиля деятельности в свете новых фактов // Вестник Пермского педагогического университета. Серия 1. Психология. 2000. № 12. С. 21-34.
16. Хэтти, Джон. Видимое обучение для учителей: как повысить эффективность педагогической работы / Джон Хэтти. – Москва: Национальное образование, 2021. – 320 с.
17. Дарлинг-Хаммонд, Линда. Правильная оценка учителей: что действительно важно для эффективности и совершенствования. - Teachers College Press (2013).
18. Robinson, V.M.J. (2001) Embedding leadership in task performance, in K. WONG & C. EVERS (Eds), Leadership for Quality Schooling: International perspectives (London: Falmer Press), pp. 90-102.
19. Cutmin.s R.E. Research insights into the relationships between teachers acceptance attitudes, their role concepts and students acceptance attitudes // J. of Educational Research, 1969, v. 53, p. 197-198.
20. <https://www.bc.edu/bc-web/schools/lynch-school>
21. <https://www.worldedsummit.com/speakers/professor-dylan-wiliam>
22. <https://pz.harvard.edu/sites/default/files/Learning%20>

Маратов Темур Ғайрат ўғли,
Тошкент Кимё халқаро университети "Педагогика
ва психология" кафедраси доцент вазифасини
бажарувчиси

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ШАХС ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

УЎК: 159.9.016.2

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_4_4](https://doi.org/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_4_4)

МАРАТОВ Т.Ғ. СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ШАХС ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ТАЪСИР КЎРСАТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада сунъий интеллект технологияларининг моҳияти, уларнинг ижтимоий-психологик тавсифи, шахс хулқ-атвори, ижтимоий муносабатларига таъсир кўрсатиш хусусиятларининг назарий ёндашувлари ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, сунъий интеллект, рақамли технологияларнинг шахс мулоқот кўникмаларига таъсири қай даражада эканлиги ёритиб берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: сунъий интеллект, рақамли технологиялар, луддизм, шахс хусусиятлари, мулоқот.

МАРАТОВ Т.Г. ОСОБЕННОСТИ ВОЗДЕЙСТВИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА НА СОЦИАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ ЛИЧНОСТИ

В данной статье рассматриваются сущность технологий искусственного интеллекта, их социально-психологические характеристики, а также теоретические подходы к влиянию этих технологий на поведение личности и социальные отношения. Кроме того, раскрывается степень воздействия искусственного интеллекта и цифровых технологий на коммуникативные навыки личности.

Ключевые слова и понятия: искусственный интеллект, цифровые технологии, луддизм, личностные характеристики, коммуникация.

MARATOV T.G. FEATURES OF THE IMPACT OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE ON PERSONAL SOCIAL RELATIONS

This article discusses the essence of artificial intelligence technologies, their socio-psychological characteristics, and theoretical approaches to their influence on personal behavior and social relations. Additionally, it highlights the extent to which artificial intelligence and digital technologies affect an individual's communication skills.

Key words and concepts: artificial intelligence, digital technologies, Luddism, personal characteristics, communication.

Ишнинг долзарблиги. Технологиялар инсон тафаккурининг маҳсулидир, тафаккур эса табиатан олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёндир. Шунга қарамай, биз сунъий интеллект технологияларининг ривожланиш йўналишларини тахмин қилишга ҳаракат қиламиз ва уларнинг жамият ҳаётига қандай интеграция қилинишини тушунишга интиламиз. Сунъий интеллектнинг имкониятлари қанчалик юқори ёки чекланган бўлмасин, у инсон ва технология ўртасидаги муносабатларни қандай йўлга қўйиш кераклиги ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Бугунги кунда сунъий интеллект технологияларининг жорий этилиши давом этмоқда, лекин улар ҳали узоқ келажакдаги тахминий тасаввурлардан анча орқада. Шунга қарамай, бу узоқ истиқболлар билан таққослаш бугунги воқеликнинг чуқурроқ англанишига ёрдам беради.

Мавзу бўйича илмий манбаларнинг қисқача таҳлили. Машҳур олим Стивен Хокинг таъкидлашича¹, агар сунъий интеллект инсондан анча кучли бўлса, у инсониятга қарши бефарқ муносабатда бўлиши мумкин. У мисол сифатида шуни келтирган: «Одамлар атайлаб чумоли уясини йўқ қилишга интилмайди. Аммо агар сув омборини қуриш учун ҳудудни сув босиш керак бўлса, ҳеч ким чумоли уясининг мавжудлигини ҳисобга олмайди». Агар сунъий интеллектнинг мақсадлари инсонникига мос келмаса, бу жуда катта муаммоларга олиб келиши мумкин. Олим И.Гуднинг фикрига кўра², инсон томонидан яратилган ақл-идроққа эга машиналар янада ақллироқ машиналарни яратишга олиб келади. Бошқа бир ёндашувга кўра, технология инсон ҳаётининг асосий қадриятларига хизмат қилиши керак. Масалан, рус файласуфи Н.Ф.Фёдоровнинг фикрига кўра³, технологик тараққиёт адолат, бахт ва ҳатто абадий ҳаёт каби инсоний орзуларга эришиш воситаси бўлиши керак.

Ҳозирги асосий муаммо шундан иборатки, инсоният сунъий интеллект яратиш

мақсадлари бўйича келишиб олиши, бу технологияни можаролар майдонига айлантормаслиги ва тасодифан инсоний қадриятларга зид бўлган кучли сунъий агентлар пайдо бўлишининг олдини олиши лозим.

Сунъий интеллектнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги ривожланиши жамият ҳаётида сезиларли ўзгаришлар келтириб чиқармоқда. Ҳар қандай янги технологиянинг жорий этилиши одамларнинг турмуш тарзини ўзгартиради ва уларнинг психологик мослашувини талаб қилади. Бироқ сунъий интеллект бу жараёнда ўзига хос ўрин тутди.

Энг яқин мисоллардан бири — транспорт бошқарувида сунъий интеллект тизимларининг жорий этилиши. Автоматлаштирилган автомобиллар ҳайдовчиларнинг юқини енгиллаштиради, лекин бу ҳолат баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, Google автомобиллари тажрибаси шуни кўрсатдики, одамлар бошқарувни автоматга топширгандан кейин йўл ҳаракати жараёнларига масъулият ҳисси пасаяди. Бу эса зарур пайтда ҳайдовчининг тўлиқ эътибор қаратишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Шунингдек, сунъий интеллект ҳайдовчиларга ишонилар зарурати психологик ноқулайлик туғдириши мумкин. Автомобиль ишлаб чиқарувчилари узоқ йиллар давомида мижозларга ҳайдашдан завқ олишни тарғиб қилишган, аммо энди улар автоматлаштирилган бошқарув тизимларига ўтишни таклиф этмоқдалар. Бунинг натижасида одамлар ўз назоратидан воз кечишга мажбур бўлишади, бу эса уларда «назорат иллюзияси» йўқолишига олиб келади.

Сунъий интеллектнинг ривожланиши натижасида иш ўринларининг қисқариши — энг катта хавфлардан бири ҳисобланади. Автоном транспорт тизимлари жорий этилганда, миллионлаб ҳайдовчилар ишсиз қолиши мумкин. Агар сунъий интеллект бухгалтерия, савдо, таржима ва бошқа интеллектуал фаолият соҳаларига кириб келса, бандлик тизимида катта ўзгаришлар юз бериши аниқ.

Бу жараён XIX аср бошларида саноат инқилоби даврида юз берган луддизм ҳаракати билан таққосланиши мумкин. Луддизм — бу саноат инқилоби даврида (XIX аср бошларида) Англияда пайдо бўлган ҳаракат бўлиб, ишчилар технологик тараққиёт нати-

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2025, 4 (149)

жасида иш ўринларининг йўқолишига қарши чиққанлар. Луддистлар янги дастгоҳлар ва машиналарни йўқ қилиш орқали ўзларининг иш жойларини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар¹. Замонавий луддизм: Бугунги кунда бу атама одатда технологик тараққиётга эҳтиёткорлик билан ёки қаршилиқ билан муносабатда бўладиган кишиларни тасвирлаш учун ишлатилади. Масалан, автоматлаштириш, сунъий интеллект ва робототехника натижасида иш ўринлари камайишидан хавотир билдираётган одамларни баъзан "замонавий луддистлар" деб аташади. Ўша пайтда ишчилар машиналар сабабли иш жойларини йўқотганликларини учун оммавий норозилик намойишларига чиққан эдилар. Бугунги кунда сунъий интеллект туфайли юзага келадиган ишсизлик янги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин². Шу боис баъзи олимлар минимал кафолатланган даромад тизимини жорий этиш ғоясини илгари сурмоқдалар. Бироқ, агар инсон меҳнат қилишга эҳтиёж сезмаса, у ўз ҳаётининг маъносини қандай топади? Бу психологик жиҳатдан чуқур масала бўлиб, келажакда инсоният олдида жиддий муаммолардан бири бўлиши мумкин.

Яна бир муҳим хавф – сунъий интеллектнинг жамиятга таъсир ўтказиш қобилияти. Д.Д.Лукстоннинг ёзишича³, ҳозирнинг ўзида сунъий интеллект инсонларнинг ҳулқ-атворини таҳлил қилиб, уни башорат қилиш ва ҳатто манипуляция қилишга қодир. Масалан, у ижтимоий тармоқлардаги маълумотларни ўрганиб, одамларнинг қизиқишлари ва заиф томонларини аниқлай олади. Бундан ташқари, сунъий интеллект сунъий равишда яратилган видеолар ва матнлар, яъни "дееп факс" технологияларини ишлаб чиқмоқда. Бу эса реал ва ёлғон ахборотни фарқлашни қийинлаштиради. Келажакда бундай технологиялар психотерапияда фойдаланиш мумкин.

¹ Jones S. E. Against technology: From the Luddites to neo-Luddism. – Routledge, 2013.

² Асмолов А. Облачное детство в поисках компромисса между технологизацией и гуманизацией // Образовательная политика. – 2020. – № 3 (83). – С. 6-8.

³ Luxton D. D. Artificial intelligence in psychological practice: Current and future applications and implications // Professional Psychology: Research and Practice. – 2014. – Т. 45. – № 5. – С. 332.

кин, аммо улар нотўғри қўллansa, тарғибот ва манипуляция қуролига айланади.

Шунингдек, сунъий интеллектдан «Катта ака» услубида фуқароларни назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланиш хавфи ҳам мавжуд. Бугунги кунда бу технологиялар кўпроқ тижорат мақсадларида – реклама ва шахсий маълумотларни йиғиш учун ишлатилмоқда. Аммо уларнинг янада ривожланиши келажакда шахсий эркинликлар учун таҳдид солиши мумкин. Умуман олганда, сунъий интеллект жамиятда улкан ўзгаришлар келтириб чиқаради. Инсоният олдида бу технологияни инсоний қадриятларга мос равишда бошқариш вазифаси турибди.

Тадқиқотнинг мақсади сунъий интеллект технологияларини шахс мулоқот кўникмаларига таъсир кўрсатиш хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- сунъий интеллект технологияларини замонавий тадқиқотларда ўрганилишининг муҳим жиҳатларини очиб бериш;
- шахс мулоқот кўникмалари динамикасида сунъий интеллект технологияларининг ролини баҳолаш;

Тадқиқот усуллари:

Ф.Ряховскийнинг "Шахснинг мулоқотга киришувчанлигини аниқлаш" методикаси⁴, математик статистик методлар: Спирман корреляцион коэффициенти мезони.

Тадқиқот объектини Тошкент Кимё халқаро университетида таҳсил олувчи талабалар. Умумий синалувчилар сони 20 кишини ташкил этади.

Тадқиқот предмети: шахсда қадрият йўналишлари пайдо бўлишининг гендер хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқот натижалари ва асосий мазмун. Мулоқот инсон ижтимоий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, шахсий ва профессионал ривожланишда муҳим роль ўйнайди. Сунъий интеллектдан ортиқча фойдаланиш инсоннинг анъанавий мулоқотга эҳтиёжини камайитириши ва бу эса мулоқот кўникмаларининг пасайишига олиб келиши мумкин. Тадқиқотда асосий эъти-

⁴ Чернова, Р.Г. Психология общения: учеб. пособие / Р.Г. Чернова, Т.В. Солтина. – СПб.: Питер, 2012. – 240 с.

1-жадвал. Ф.Ряховскийнинг "Шахснинг мулоқотга киришувчанлигини аниқлаш" методикаси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича натижалари фойз кўрсаткичлари

T/p	Сунъий интеллектдан фойдаланиш (соат/кунига)	Мулоқот кўникмалари (%) (Ф. Ряховский методикаси бўйича)
1	0,5	78%
2	1,0	72%
3	1,0	72%
4	1,0	72%
5	1,0	72%
6	2,0	65%
7	2,0	65%
8	2,0	65%
9	2,0	65%
10	2,0	65%
11	2,0	65%
12	2,0	65%
13	2,0	65%
14	2,0	65%
15	3,5	50%
16	3,5	50%
17	3,5	50%
18	4,5	40%
19	4,5	40%
20	4,5	40%

бор сунъий интеллектдан фойдаланиш ва мулоқот кўникмалари ўртасидаги мумкин бўлган боғлиқликни ўрганишга қаратилади. Тадқиқотни олиб боришда синалувчиларнинг бир сутка давомида сунъий интеллект ёки рақамли технологиялардан фойдаланиш вақти билан мулоқотга киришувчанлик даражаси ўртасидаги ўзаро алоқадорлик текширилади (1-жадвал).

Натижаларни таҳлил қилганда қуйидаги тенденциялар кузатилди:

а) Сунъий интеллектдан кам фойдаланадиганлар (0,5-1,0 соат/кун). Бу гуруҳга кирувчи респондентларнинг мулоқот кўникмалари юқори даражада (72-78%). Ушбу натижалар шуни кўрсатадики, сунъий интеллектдан минимал фойдаланиш реал ҳаётдаги мулоқот қобилиятларига салбий таъсир қилмайди, аксинча, уларни мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин. Шахслар сунъий интеллект билан эмас, балки инсонлар билан мулоқот қилишга кўпроқ вақт ажратиши мумкин.

б) Ўртача фойдаланадиганлар (2,0 соат/кун). Бу гуруҳга мансуб респондентларнинг мулоқот кўникмалари 65% атрофида, яъни ўртача даражада. Сунъий интеллектдан фойдаланиш ошган сари мулоқот кўникмаларида


пасайиш кузатилмоқда. Шахслар сунъий интеллект технологияларига ўрганиб бораётган сари реал мулоқотга ажратилган вақт қисқариши мумкин.

с) Кўп фойдаланадиганлар (3,5-4,5 соат/кун). Ушбу гуруҳ респондентлари орасида мулоқот кўникмалари паст (40-50%). Сунъий интеллектдан узоқ вақт фойдаланиш натижасида мулоқот кўникмалари анча пасайган. Бу натижалар сунъий интеллектдан ортиқча фойдаланиш инсонлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш эҳтиёжини камайитиришини англатади. Натижада шахснинг мулоқот қилишга бўлган ишончи пасайиши ёки реал мулоқотга бўлган эҳтиёжи камайиши мумкин. Ушбу динамикани қуйидаги 1-расмда кўриш мумкин.

Таҳлил натижаларига кўра, сунъий интеллектдан кўпроқ фойдаланиш мулоқот кўникмаларининг пасайишига олиб келиши мумкин. Юқори мулоқот кўникмаларига эга бўлган шахслар одатда сунъий интеллектдан камроқ фойдаланади ва инсонлар билан бевосита мулоқот қилади. Сунъий интеллектдан ўртача фойдаланадиганларнинг мулоқот кўникмалари сезиларли даражада пасаймаган, лекин улар барибир технологияга боғланиб

1-расм. Ф.Ряховскийнинг "Шахснинг мулоқотга киришувчанлигини аниқлаш" методикаси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича натижалари.

■ Мулоқот кўникмалари (%) (Ф. Ряховский методикаси бўйича)
■ Сунъий интеллектдан фойдаланиш (соат/кунига)



қолиш эҳтимоли юқори. Кўп вақтини сунъий интеллект билан ўтказадиганларда эса мулоқот қобилиятлари анча заифлашган. Бу натижалар мулоқот кўникмаларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун инсонлар сунъий интеллект билан эмас, балки реал ҳаётдаги ижтимоий муносабатларга кўпроқ эътибор қаратиши кераклигини кўрсатади.

Ф.Ряховскийнинг "Шахснинг мулоқотга киришувчанлигини аниқлаш" методикаси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича натижаларининг ўзаро алоқадорлигини ва ишончлилиқ даражасини текшириш мақсадида Спирманнинг ранг корреляция коэффициентидан фойдаланамиз.

Спирман корреляция коэффициенти ($r = -0,996$; $p < 0,001$), бу эса сунъий интеллектдан фойдаланиш ва мулоқот кўникмалари ўртасида кучли тесқари боғлиқлик борлигини кўрсатади. Яъни, инсон қанчалик кўп сунъий интеллектдан фойдаланса, унинг мулоқот кўникмалари шунчалик пасаяди. Бу эса боғлиқликнинг статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини билдиради. Бу натижа гипотезани қўллаб-қувватлайди: сунъий интеллектдан ортқча фойдаланиш инсоннинг жонли мулоқот қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хулоса.

Юқоридаги натижаларга асосланиб куйидаги хулосаларга келиш мумкин:
1. Сунъий интеллект жамиятнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатмоқда: у транспорт тизимларини автоматлаштирмоқда, шахслар ўртасидаги жонли мулоқотнинг сезиларли даражада камайиш эҳтимолини оширмоқда ва инсонларнинг турмуш тарзини ўзгартирмоқда. Бу жараёнлар инсон психологияси ва ижтимоий муносабатларга таъсир қилади. Шу боис, сунъий интеллектдан фойдаланишда унинг ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий оқибатларини инобатга олиш талаб этилади. Инсоният бу технологияни ўз қадриятларига хизмат қилдириш учун уни оқилона тарзда бошқариши зарур.

2. Технологиянинг ривожланиши табиий жараён бўлиб, у жамиятга кўплаб қулайликларни тақдим этади. Бироқ, инсон мулоқотининг табиий ривожланишига таъсир этувчи омиллар яхши тушуниб, сунъий интеллект ёки бошқа рақамли технологиялардан фойдаланишда меъёрга амал қилиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот натижаларига кўра, сунъий интеллектдан реал вақт фойдаланиш инсонлар ўртасидаги реал мулоқот эҳтиёжини камайитириши ва ижтимоий таъсир кўрсатиши мумкин.

2-жадвал. Ф.Ряховскийнинг "Шахснинг мулоқотга киришувчанлигини аниқлаш" методикаси ва сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича натижалар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик кўрсаткичлари (Спирман мезони асосида)

Кўрсаткичлар	Сунъий интеллектдан фойдаланиш (соат/кунига)	Мулоқот кўникмалари (%) (Ф. Ряховский методикаси бўйича)
Сунъий интеллектдан фойдаланиш (соат/кунига)	1	
Мулоқот кўникмалари (%) (Ф. Ряховский методикаси бўйича)	-0,996	1

мой кўникмаларни пасайтириши мумкин. Шунинг учун, мулоқот кўникмаларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун инсонлар реал ижтимоий муносабатларга кўпроқ эътибор қаратишлари лозим.

Юқоридаги хулосаларга асосланиб, куйидаги тақлифларни илгари суриш мумкин.

1. Сунъий интеллект инсон қадриятларига хизмат қилиши, жамиятга фойдали бўлиши

керак. Уни ишлаб чиқариш ва қўллашда шаффофлик ва масъулиятли ёндашув таъминланиши лозим.

2. Инсонларнинг янги технологияларга мослашувини таъминлаш, шахслараро мулоқот кўникмаларини мунтазам ривожлантириб бориш ва бошқа ижтимоий механизмлар муҳофаза қилиниши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hawking S. The beginning of time //Stephen Hawking. – 2012.
2. Jones S.E. Against technology: From the Luddites to neo-Luddism. – Routledge, 2013.
3. Luxton D.D. Artificial intelligence in psychological practice: Current and future applications and implications //Professional Psychology: Research and Practice. – 2014. – Т. 45. – №. 5. – С. 332.
4. Асмолов А. Облачное детство. В поисках компромисса между технологизацией и гуманизацией // Образовательная политика. – 2020. – №. 3 (83). – С. 6-8.
5. Гуд И. О., Пономарева И. А. Беда 21 века: игромания // Образование, спорт, здоровье в современных условиях окружающей среды. – 2015. – С. 336-341.
6. Федоров Н.Ф. Философия общего дела. – Рипол Классик, 2014
7. Чернова, Р.Г. Психология общения : учеб. пособие / Р.Г. Чернова, Т.В. Солтина. – СПб.: Питер, 2012. – 240с

Kubayev Ma'ruf Qosim o'g'li,
O'zbekiston Xalqaro islom akademiyasi tayanch
doktoranti, Toshkent Kimyo xalqaro universiteti
katta o'qituvchisi

Turdiboyeva Dono Kamol qizi,
Toshkent Kimyo xalqaro universiteti magistranti

O'SMIRLARDA AUTODESTRUKTIV XULQ-ATVORNING YUZGA KELISH TENDENTSIYALARI TAHLILI

UO'K: 159.9

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_4_5](https://doi.org/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_4_5)

**KUBAYEV M.Q-O', TURDIBOYEVA D.K-Q. O'SMIRLARDA AUTODESTRUKTIV XULQ-
ATVORNING YUZGA KELISH TENDENTSIYALARI TAHLILI**

Ushbu maqolada yuqori sinf o'quvchilarida o'z-o'ziga zarar yetkazishga qaratilgan xulq-atvorining nazariy tahlillari hamda o'ziga xos xususiyatlari yoritib o'tilgan.
Tayanch so'z va tushunchalar: o'z-o'ziga zarar yetkazishga qaratilgan xulq-atvor, autodestruktiv xatti-harakatlarni motivlari, o'z joniga qasd qilishga bo'lgan urinishlar.

**КУБАЕВ М.К-У., ТУРДИБОЕВА Д.К-К. АНАЛИЗ ТЕНДЕНЦИЙ ВОЗНИКНОВЕНИЯ
АУТОДЕСТРУКТИВНОГО ПОВЕДЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ**

В статье представлена теоретическая аналитика аутодеструктивного поведения у старшеклассников, освещены его характерные особенности.
Ключевые слова и понятия: аутодеструктивное поведение, мотивация аутодеструктивных действий, попытки суицида.

**KUBAYEV M.Q-O, TURDIBOYEVA D.K-K. ANALYSIS OF TRENDS IN THE EMERGENCE OF
AUTODESTRUCTIVE BEHAVIOR IN ADOLESCENTS**

This article provides a theoretical analysis of self-destructive behavior in high school students, highlighting its distinctive characteristics.
Key words and concepts: self-destructive behavior, motivations of autodestructive actions, suicide attempts.

Kirish.

O'z-o'ziga zarar yetkazishga qaratilgan xulq-atvorining ayrim elementlarini insonda juda erta yoshda kuzatish mumkin. Go'dak o'zini tirnab olishi, keyinchalik tishlash yoki chimchilash kabi harakatlarni amalga oshirishda bu narsa yaqqol namoyon bo'ladi. Lekin bu harakatlarni ongli va maqsadga yo'naltirilgan deb hisoblab bo'lmaydi. Aksariyat hollarda, bu tashqi dunyo bilan o'zaro aloqada bo'lish va uni bilib olish ehtiyoji (qo'llar yetadigan barcha narsalarni ushlash va o'rganishga intilish) yoki ehtiyojlarning qondirilmasligi natijasida yuzaga keladigan instinktiv faollik bo'lib, u muayyan turtkilarga javob berishning boshqa alternativ usuli bo'lmaganida yuzaga chiqadigan motor-affektiv qo'zg'alish jarayoni sifatida namoyon bo'ladi. Shu bilan birga, bola ichki va tashqi olamni farqlay olmaydi, natijada uning harakatlari nafaqat o'ziga, balki atrofdagilarga ham zarar yetkazishi mumkin¹.

Tadqiqotning maqsadi yuqori sinf o'quvchilarida yuzaga keladigan autodestruktiv xulq-atvor xususiyatlari, xatti-harakat motivlari hamda o'z-o'ziga zarar yetkazishga undovchi ta'sirlarni ilmiy tarzda tahlil etishdan iborat.

Tadqiqotning obyekti o'smirlik davridagi shaxsning psixik rivojlanish jarayoni hisoblanadi.

Tadqiqotning predmeti esa o'smirlarda autodestruktiv (o'z-o'ziga zarar yetkazuvchi) xulq-atvorning namoyon bo'lish shakllari, psixologik omillari va rivojlanish tendentsiyalari.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya.

Yosh o'tishi bilan tajovuzkorlik tobora ijtimoiy tus ola boshlaydi. I.A. Furmanovning ta'kidlashicha², uning namoyon bo'lishi kattalarning, birinchi navbatda ota-onalarning, bola tajovuzkor harakatlariga bergan munosabati bilan chambarchas bog'liq. Ushbu yoshda tajovuzkorlik va autoagressiyaning namoyon bo'lishi o'zlashtirish va tarbiya jarayonlari bilan uzviy bog'langan. Bola juda erta yoshdan boshlab

ayrim harakatlar og'riq keltirishi mumkinligini anglay boshlaydi va ularni iloji boricha chetlab o'tishga harakat qiladi. Bolalik davrida o'z-o'ziga zarar yetkazish holatlari ko'pincha baxtsiz hodisalar sifatida baholanadi. Masalan, bolalar derazadan qulab tushishi, o'z ustiga qaynoq suv to'kib olishi, o'tkir buyumlardan jarohatlanishi yoki dori vositalaridan zaharlanishi mumkin. Odatda, bola o'z harakatlarining oqibatlarini to'liq anglamaydi yoki taqiqlarning jiddiyligini tushunmaydi. Aynan shu sababli, bolalar orasidagi ko'plab o'z joniga qasd qilish holatlari baxtsiz hodisalar toifasiga kiradi. Tadqiqotchilarning fikriga ko'ra, bola o'lim tushunchasini kattalar singari anglashga qodir bo'ladigan eng erta yosh taxminan 11 yoshdan boshlanadi.

Tadqiqotchi M.Bernard autodestruktiv xatti-harakatlarni motivlarni chuqur tahlil etib, bu orqali ularning yuzaga kelish shart-sharoitlarini yoritib bergan³. Uning ta'kidlashicha, bolalik davrida autodestruktiv xulq-atvor turli motivlarga ega bo'lishi mumkin. Birinchidan, bu tashqi tajovuzning ichki yo'nalishga o'zgartirilishi natijasida yuzaga keladigan o'z-o'zini yemiruvchi harakatlardir. Bola sevikli ota-onasi yoki boshqa kattalarga nisbatan tajovuzkorlikni ifoda eta olmaganda, o'ziga zarar yetkazishi mumkin. Ikkinchidan, bu xulq-atvor o'z-o'zini tartibga solish (avtoregulyatsiya) vositasi sifatida namoyon bo'lishi mumkin. Masalan, bola stress va ichki zo'riqishni barmoq so'rish, tirnoqlarni tishlash, soch yulish kabi harakatlar orqali kamaytirishga harakat qiladi. Odatda, bunday xatti-harakatlar yetarlicha ongli ravishda amalga oshirilmaydi, shuning uchun ularni taqiqlar va tushuntirishlar orqali bartaraf etish qiyin bo'ladi.

Ushbu yosh guruhida o'z joniga qasd qilish holatlarining ko'payishiga hamda muammoning dolzarblashiga olib kelgan omillardan biri – ijtimoiy tarmoqlarda o'quvchilarni «yollash» bilan shug'ullanadigan «o'lim guruhlari»ning paydo bo'lishidir. Biroq, bu faqat bitta omil bo'lib, o'z joniga qasd qilish xavfini oshiruvchi boshqa muhim omillar ham mavjud.

Bular orasida ijtimoiy-demografik omillar (jins, yosh, oilaviy vaziyat, moddiy qiyinchiliklar), tibbiy-psixologik omillar (somatik va ruhiy

¹ Хиллман Дж. Самоубийство и душа / Дж. Хиллман. – М.: Когито-Центр, 2004. – 272 с.

² Фурманов И.А. Личностные особенности и переживание насилия со стороны сверстников как факторы суицидального риска у подростков [Электронный ресурс] / И.А. Фурманов, В.Е. Купченко // Вестник Омского университета. Серия: Психология, 2018. - № 2. - С. 38-46. Режим доступа: <https://doi.org/10.25513/2410-6364.2018.2.38-46> (дата обращения 18.02.2020)

³ Bernard M. The Social-Emotional Wellbeing Surveys [Электронный ресурс] / M. Bernard. – Victoria, 2003. Режим доступа: https://www.acer.org/files/SEW-Info_Doc-Background.pdf (дата обращения 18.02.2020)

patologiyalar: tug'ma yoki orttirilgan surunkali kasalliklar, fiziologik funksiyalarni yo'qotish, yolg'izlik, ijtimoiy muvaffaqiyatsizlik, o'zaro javobsiz his-tuyg'ular natijasida yuzaga kelgan depressiv holatlar, alkogol va narkotik moddalar qaramligi, shaxs buzilishlari va xarakter aktsentualari) hamda biografik omillar (o'tgan hayotda suitsidal fikrlar, niyatlar yoki urinishlar mavjudligi, no'anaviy jinsiy orientatsiya, qarindoshlar, do'stlar yoki boshqa muhim shaxslarning o'z joniga qasd qilish bilan bog'liq tajribasi) kabi omillar mavjud.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra¹, o'g'il bolalar qiz bolalarga qaraganda 3-4 baravar ko'proq o'z joniga qasd qiladi. Biroq, qiz bolalar o'z joniga qasd qilishga bo'lgan urinishlarni uch baravar ko'proq sodir etadilar. Aksariyat hollarda, bu urinishlar demonstrativ xarakterga ega bo'lib, shu sababli oxiriga yetkazilmaydi. Shunday qilib, statistik tahlillar shuni ko'rsatadiki, autodestruktiv, jumladan suitsidal xulq-atvorning yuzaga kelishi va rivojlanishining asosiy prediktorlari sifatida jinsiy mansublik hamda yoshga xos o'ziga xosliklar namoyon bo'ladi. Shu bilan birga, suiqasdga moyillikning muhim prediktorlaridan biri bo'lmish asab-ruhiy zo'riqishda yosh va jinsga oid farqlar mavjudligini aniqlash masalasi hana yetarlicha o'rganilmagan.

Aynan shu sababli o'smirlik davri autodestruktiv xulq-atvorning oldini olish bo'yicha faol profilaktik chora-tadbirlarni boshlash uchun muhim yosh davri hisoblanadi. Agar bolalikda bunday xatti-harakatlar ko'proq tasodifiy yoki kattalarning xulq-atvoriga javoban yuzaga kelayanada ongli va maqsadga yo'naltirilgan tus oladi.

Tahlil va natijalar.

O'smirlik yoshining chegaralari turlicha talqin qilinadi. L.S. Vygotskiy «O'smir pedologiyasi» asarida ushbu davrni 14 yoshdan 18 yoshgacha bo'lgan pybeprat davri deb belgilab, uni o'tish davri deb ataydi². Uning ta'kidlashicha, agar 13 yoshdagi inqirozgacha inson hali bola bo'lsa, 17 yoshdagi inqirozdan keyin u allaqachon kattalikka yo'nalgan shaxsga aylanadi. Mazkur fikr

¹ <https://www.apa.org/pubs/databases/psycinfo>.

² Выготский Л.С. Собрание сочинений: в 6-ти т. Детская психология / Л.С. Выготский; под ред. Д.Б. Эльконина. - М.: Педагогика, 1984. - 432 с.

ilmiy nuqtai nazardan o'smirlik yoshining chegaralarini aniqlash muammosi bilan bog'liq bo'lib, bu masala psixologiya, pedagogika va fiziologiya fanlarida keng muhokama qilinadi. Tadqiqotchining ta'kidlashicha, 13 yoshgacha bo'lgan davr bolalikning davomiy bosqichi bo'lib, unda bolahali ko'proq kattalarga bog'liq bo'ladi. 17 yoshdan keyingi davr esa shaxsning kattalik sarfo'nalishi bosqichiga o'tadi, ya'ni individuallashtirish, ijtimoiy mustaqillik va hayotiy qadriyatlarining shakllanishi kuzatiladi. Shuningdek, Vygotskiy o'smirlik inqirozi tushunchasini ilgari suradi. Unga ko'ra, 13 yoshdagi inqiroz bolaning o'zini anglashidagi o'zgarishlar bilan bog'liq bo'lsa, 17 yoshdagi inqiroz esa shaxsiy identifikatsiya va hayotiy yo'nalishni aniqlash bilan bog'liq bo'ladi. Shu sababli, bu davrda psixologik va pedagogik yondashuvlar juda muhim ahamiyat kasb etadi.

Vygotskiyning ushbu qarashlari zamonaviy psixologik tadqiqotlarda ham muhim nazariy asos bo'lib xizmat qiladi. Biroq, hozirgi kunda o'smirlik yoshining chegaralari madaniy, ijtimoiy va biologik omillarga qarab turlicha talqin qilinadi. Masalan, Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSST) o'smirlik yoshini 10-19 yosh oralig'ida deb belgilaydi. Shu bois, Vygotskiyning yondashuvi tarixiy jihatdan muhim bo'lsa-da, zamonaviy tadqiqotlarda bu yosh oralig'ining biroz kengroq qamrab olinishi kuzatiladi.

E. Erikson³ o'smirlik davrini 12-13 yoshdan taxminan 19-20 yoshgacha bo'lgan muhim psixosotsial rivojlanish bosqichi deb hisoblaydi. Unga ko'ra, ushbu davr «identifikatsiya inqirozi» bilan bog'liq bo'lib, shaxs o'zini anglash, jamiyati o'zini topish va shaxsiy qadriyatlarini shakllantirish jarayonini boshdan kechiradi. Olimning nazariyasi shuni ko'rsatadiki, ushbu inqirozning muvaffaqiyatli yengib o'tishning asosi bolalikda shakllanadi. Agar bola bolalik davrida psixologik barqarorlikka, o'ziga bo'lgan ishonchga ega bo'lsa, o'smirlik yoshida identifikatsiya jarayonini muvaffaqiyatli o'tkazish ehtimoli yuqorib ketadi. Eriksonning fikriga ko'ra, ushbu inqiroz «sodiqlik» (vernost) sifatini shakllantirishiga olib keladi. Bu sodiqlik o'ziga bo'lgan ishonch, o'smir tomonidan qabul qilingan axloqiy tamoyillar va

³ Erikson, E. H. (1968). Identity: Youth and crisis. New York: W. W. Norton & Company.

mafkuraviy qadriyatlarga sodiqlik kabi jihatlarni o'z ichiga oladi. Aks holda, identifikatsiya inqirozi muvaffaqiyatsiz kechsa, shaxsda o'z o'rnini topa olmaslik, shubha va ijtimoiy ajralib qolish hisi yuzaga kelishi mumkin. Tadqiqotchining yondashuvi yoshlar bilan ishlashda, ularning psixologik barqarorligini ta'minlash va ijtimoiy moslashuviga ko'maklashish jarayonlarida muhim nazariy asos hisoblanadi.

Yuqorida keltirilgan fikrlarga asoslanib, 14 yoshdan 17 yoshgacha bo'lgan davr autodestruktiv xulq-atvorning profilaktikasi nuqtai nazaridan eng muhim bosqich hisoblanadi. Ushbu davr katta o'smirlik yoki yuqori maktab yoshi deb atalib, shaxsning identifikatsiyasi shakllanadigan, hayotiy qadriyatlari va kelajak yo'nalishlari aniqlanadigan muhim psixologik bosqichdir.

Aynan shu yosh oralig'ida o'smirlar shaxsiy mustaqillikka intiladilar, o'z-o'zini anglash jarayonini chuqurlashtiradilar va ijtimoiy ta'sirlarga sezgir bo'ladilar. Shu sababli, ushbu bosqichda autodestruktiv xatti-harakatlarning oldini olishga qaratilgan psixoprofilaktik choralar o'ta muhim ahamiyat kasb etadi. Profilaktika strategiyalari emotsional barqarorlikni rivojlantirish, stressga qarshi kurashish ko'nikmalarini shakllantirish, ijtimoiy qo'llab-quvvatlash tizimini mustahkamlash va hayotga bo'lgan motivatsiyani oshirish kabi yo'nalishlarni o'z ichiga olishi lozim.

Shuningdek, bu yoshda o'quvchilar bilan ishlashda Eriksonning identifikatsiya inqirozi hamda Vygotskiyning o'tish davri nazariyalari asosida yondashish muhimdir. Ya'ni, o'smirlikdagi autodestruktiv xulq-atvor nafaqat tashqi muhit ta'siri, balki shaxsiy identifikatsiya inqirozi va psixosotsial rivojlanish jarayoni bilan ham uzviy bog'liq.

O'smirlik davri — inson hayotidagi eng muhim va tanqidiy davrlarning biri bo'lib, aynan shu davrda shaxs eng zaif holatda bo'ladi. U endi bola emas, lekin hali kattalar dunyosiga to'liq moslashmagan, bu esa o'zini anglash va o'z o'rnini tushunishda ikkilikka olib keladi. Shu bilan birga, o'smir o'zini allaqachon kattalarga teng deb his qiladi, ammo uning ota-onalari va o'qituvchilari uni shunday qabul qilishga tayyor emas, bu esa ko'pincha o'zining jismoniy noso-

zligini sezish hisini keltirib chiqaradi¹. Ushbu davrda yuzaga kelayotgan fiziologik jarayonlar o'smirning emotsional tarangligini, impulsivligini va muvozanatsizligini oshiradi². Gormonal o'zgarishlar ijtimoiy o'zgarishlar bilan birgalikda ro'y beradi va ijtimoiy o'zgarishlar o'sib borayotgan qizlar va yigitlarning moslashish qobiliyatidan ancha tez amalga oshadi³. Bularning barchasi o'smir tomonidan qattiq sezilib, psixoemotsional holatning barqarorsizligi, nervruhiy taranglikning ortishi, depressiyalarni keltirib chiqarishi mumkin — bu holatlar tez-tez yuz beradi. Natijada, o'smirning psixologik xavf omili ortadi va bu o'z navbatida suiqasd xulq-atvorining turli shakllarining (suiqasdga oid fikrlar, urinishlar va o'z joniga qasd qilish holatlari) namoyon bo'lish ehtimolini oshiradi.

Xulosa va takliflar.

O'smirlik davri inson hayotidagi eng muhim va tanqidiy bosqichlardan biri hisoblanadi. Ushbu davrda shaxsning psixologik va fiziologik rivojlanishi amalga oshadi, bunda o'zini anglash, o'z o'rnini topish va ijtimoiy moslashish jarayonlari muhim o'rin tutadi. O'smirlik davrida autodestruktiv xulq-atvorning yuzaga kelishi ko'plab omillarga bog'liq bo'lib, ular orasida biologik, psixologik, ijtimoiy va ekologik faktorlar mavjud. O'smirlar orasida o'z-o'ziga zarar yetkazish xulq-atvorining ko'payishi, ayniqsa, so'nggi yillarda ijtimoiy tarmoqlarda «o'lim guruhlar» kabi xavfli tashabbuslarning tarqalishi bilan bog'liq. Biroq, bu faqat bitta omil bo'lib, boshqa ko'plab omillar ham mavjud. Erkaklar va ayollarda o'z joniga qasd qilish holatlarining ko'payishi, ularning motivlari va xatti-harakatlarining shakllanishi turlicha bo'lishi mumkin. O'smirlik davrida o'z-o'ziga zarar yetkazish hola-

¹ Есауленко И.Э. Профилактика психотравмирующих стрессовых расстройств, расстройств адаптации и меры противодействия суицидальных тенденций среди молодежи / И.Э. Есауленко, Е.А. Семенова // Системный анализ и управление в биомедицинских системах, 2014. - Т.13. - № 2. - С. 453-462.

² Психопатология детского возраста. Хрестоматия. / Под ред. А.Ю. Егорова. - СПб.: Издательство «Дидактика Плюс», 2002. - 368 с.

³ Авдеевская (Белинская) Е.П. Особенности социализации подростка в условиях быстрых социальных изменений / Е.П. Авдеевская (Белинская), С.А. Баклушинский // Ценностно-нормативные ориентации старшеклассника. Труды по социологии образования. М., 1995. - Том III. - Выпуск IV. - С. 118-132.

tlari ko'pincha nafaqat tashqi muhitning ta'siri, balki shaxsning ichki kurashlari, identifikatsiya inqirozi va o'z-o'zini anglash jarayonlariga ham bog'liq. Ijtimoiy, tibbiy-psixologik va biografik omillar, masalan, oilaviy holat, moddiy qiyinchiliklar, ruhiy yoki jismoniy kasalliklar, depressiv holatlar, stress, o'z-o'zini anglashdagi muammolar va jinsiy identifikatsiya ham o'z-o'ziga zarar yetkazish holatlarini oshiruvchi omillar sifatida namoyon bo'ladi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, o'smirlik davridagi autoagressiv xulq-atvorni oldini olish uchun quyidagilar **tavsiya qilinadi**:

1) emosional barqarorlikni rivojlantirish – stressga qarshi kurashish ko'nikmalarini o'rgatish;

2) ijtimoiy qo'llab-quvvatlash tizimini mustahkamlash – ota-onalar, o'qituvchilar va do'stlar bilan ishonchli munosabatlar;

3) hayotga bo'lgan motivatsiyani oshirish – maqsadli faoliyat va ijtimoiy loyihalarda ishtirok etish.

4) psixologik maslahat xizmatlari o'smirlarga professional yordam ko'rsatish.

Shunday qilib, o'smirlik davrida autodestruktiv xatti-harakatlarning oldini olish uchun muhim profilaktik chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur. Bu jarayonlar o'smirlarning ruhiy salomatligini saqlash, ularning ijtimoiy moslashuvini qo'llab-quvvatlash va hayotga bo'lgan motivatsiyasini oshirishga qaratilgan bo'lishi kerak. Profilaktik yondashuvlar, o'smirlar orasida psixologik barqarorlikni ta'minlash va ijtimoiy moslashuvni osonlashtirishga xizmat qiladi, bu esa ularning ruhiy rivojlanishini ijobiy tomonga yo'naltiradi.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Хиллман Дж. Самоубийство и душа / Дж. Хиллман. – М.: Когито-Центр, 2004. – 272 с.
2. Фурманов И.А. Личностные особенности и переживание насилия со стороны сверстников как факторы суицидального риска у подростков / И.А. Фурманов, В.Е. Купченко // Вестник Омского университета. Серия: Психология, 2018. – № 2. – С. 38–46.
3. Bernard M. The Social-Emotional Wellbeing Surveys / M. Bernard. – Victoria, 200.
4. Выготский Л.С. Собрание сочинений: в 6-ти т. Детская психология / Л.С. Выготский; под ред. Д.Б. Эльконина. – М.: Педагогика, 1984. – 432 с.
5. Есауленко И.Э. Профилактика психотравмирующих стрессовых расстройств, расстройств адаптации и меры противодействия суицидальных тенденций среди молодежи / И. Э. Есауленко, Е. А. Семенова // Системный анализ и управление в биомедицинских системах, 2014. – Т.13. – № 2. – С. 453–462.
6. Психопатология детского возраста. Хрестоматия. / Под ред. А. Ю. Егорова. – СПб.: Издательство «Дидактика Плюс», 2002. – 368 с.
7. Авдуевская (Белинская) Е.П. Особенности социализации подростка в условиях быстрых социальных изменений / Е.П. Авдуевская (Белинская), С.А. Баклушинский // Ценностно-нормативные ориентации старшеклассника. Труды по социологии образования. М., 1995. – Том III. – Выпуск IV. – С. 118–132.

Avezova Rohila Ruzimboyevna,

Toshkent Kimyo xalqaro universiteti "Pedagogika va psixologiya" kafedrasida katta o'qituvchisi

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QITUVCHILARINING BOSHQARUV KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

UOK: 378

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_4_6](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_4_6)

AVEZOVA R.R. BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFLAR O'QITUVCHILARINING BOSHQARUV KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISH YO'LLARI

Bo'lajak boshlang'ich sinflar o'qituvchilarining boshqaruv kompetentligini takomillashtirish bugungi kunda muhim bo'lmoqda. Maqolada boshqaruv kompetentligi takomillashtirish yo'llarini tahlili keltirilgan.

Tayanch so'z va tushunchalar: bo'lajak boshlang'ich sinflar o'qituvchisi, boshqaruvchi, sinflar ichidagi munosabatlarni boshqarish, samimiy muloqot, tashkilotchilik, liderlik, nizolarni boshqarish, emotsiyalarni boshqarish, boshqaruvdagi kreativlik.

AVEZOVA R.R. ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УПРАВЛЕНЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Совершенствование управленческой компетентности будущих учителей начальных классов в настоящее время является важной задачей. В статье приведен анализ путей совершенствования управленческой компетентности.

Ключевые слова и понятия: будущий учитель начальных классов, управленец, управление межличностными отношениями в классе, искреннее общение, организаторские способности, лидерство, управление конфликтами, управление эмоциями, креативность в управлении.

AVEZOVA R.R. WAYS TO IMPROVE THE MANAGEMENT COMPETENCE OF FUTURE PRIMARY SCHOOL TEACHERS

The improvement of the management competence of future primary school teachers is currently an important issue. The article presents an analysis of the ways to enhance management competence.

Key terms and concepts: future primary school teacher, manager, managing interpersonal relationships in the classroom, sincere communication, organizational skills, leadership, conflict management, emotion management, creativity in management.

Kirish.

Bugungi kunda mamlakatimizda boshlang'ich ta'lim yo'nalishi bo'yicha oliy ma'lumotli, malakali pedagoglarni, boshqaruv kadrlarini tayyorlash hamda rivojlantirishda yangi yondashuvlarni joriy etishga qaratilgan me'yoriy asoslar yaratilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi¹ PF-5847-son Qarorida¹ oliy ta'lim tizimini rivojlantirishning asosiy maqsadlari va ustuvor yo'nalishlari belgilangan. Bu jarayonda oliy ta'lim mazmunini sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqish, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga hissa qo'shadigan, mehnat bozorida raqobatbardosh yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yaratish juda muhim ahamiyatga ega². Bugungi kunda oliy ta'lim tizimining samaradorligini oshirish uchun, zamonaviy talablar va mehnat bozorining ehtiyojlariga mos ravishda yuqori malakali mutaxassislarni tayyorlash muhim hisoblanmoqda. Bu o'zgarishlar nafaqat ta'limning sifatini yaxshilash, balki mamlakat iqtisodiyotiga ijobiy ta'sir ko'rsatib, ijtimoiy sohaning rivojlanishiga ham yordam beradi. Bunday mutaxassislar o'zining nazariy va amaliy bilimlari, ijodkorligi, izlanuvchanligi, pedagogik texnologiyalar hamda innovatsiyalarni hayotga tatbiq etishda yetakchi rol o'ynashi bilan ahamiyatlidir.

Mavzu bo'yicha ilmiy adabiyotlar tahlili va metodologiya.

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining boshqaruv kompetentligini takomillashtirish yo'llariga oid bir qancha yondashuvlar mavjud bo'lib ular qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin:

Kompetentlik³ tushunchasining mohiyati. Bozor munosabatlari sharoitida mehnat bozorida ustuvor o'rin egallagan kuchli raqobatga bardoshli bo'lish hamda har bir mutaxassisdan

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmoniga 1-ilova.

² O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmoniga 1-ilova.

kasbiy kompetentlikka ega bo'lish, uni izchil ravishda oshirib borishni taqozo etmoqda³.

Davlat arbobi va shoir bobomiz Alisher Navoiy «Saddi Iskandariy» dostonida jamiyatni adolat bilan boshqarish uchun zarur bo'lgan fazilatlarini Iskandar obrazi orqali tasvirlab berganlar. "Dili, niyati pok, xayr va saxovatli, kamtarin va muloyim shaxs, dono podsho va dunyo sirlarini bilishga qiziquvchi aql-zakovat egasi rahbar bo'lishi kerak. Podsho bo'lishda manman o'zini boshqalardan ustun qo'yish, o'zgalarni pisand qilmaslik, avom xalq bilan birga bo'lolmaslik xislatlari nuqsondir"⁴.

A.G.Bermusning fikriga ko'ra, "Kompetentlik takomillashib borayotgan shaxsning barcha xislatlarini, bilimi, tajribasi, umuman olganda butun borlig'ini yagona tizimga birlashtiradi"⁵.

Noaniq vaziyatlarda faoliyat ko'rsatish olish qobiliyati bu, kompetentlikdir, deydi O.E.Lebedev⁶. Kompetentlik insonning intellektual shaxsiy, ijtimoiy kasbiy hayotiy faoliyatiga asoslanadi, deb yozadi I.A.Zimnyaya⁷.

V.A.Razumovskiy, tomonidan boshqaruv funksiyalarini amalga oshirish sohasida o'qituvchining kompetensiyasini shakllantirishga nazariy va uslubiy yondashuvlar: (qo'shimcha kasbiy ta'lim misolida) tadqiqot ishi olib borgan⁸. Bu tadqiqot ishida boshqaruv muammolarini oshirish qish sohasida o'qituvchilar malakasini oshirish mazmunining tuzilishi va malaka oshirish kurslarida boshqaruv funksiyalarini amalga oshirish sohasida o'qituvchi kompetensiyasini rivojlantirish jarayonining andragogik xususiyatlari hamda masofaviy ta'lim texnologiyalari asosida

³ Ochilova G.O. Kasbiy kompetentlik. O'quv qo'llanma. – T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021. – 228 b. 34-bet.

⁴ Хайитов О.Э., Джалалова С.М. Божқарув психологияси: Ўқув қўлланма. ТДИУ, 2008. – 9-бет

⁵ Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентного подхода в образовании. – www.eidos.ru. 2015, 09, 10.

⁶ Лебедев О.Е. Компетентный подход в образовании. – www.nekrasovepb.ru

⁷ Зимняя И.А., Ключевых И.А. Компетенции – новая парадигма результата образования. quality.petrus.ru

⁸ Разумовский В.А. Теоретико-методические подходы к формированию компетентности учителя в области реализации управленческих функций: на примере дополнительного профессионального образования. – 13.00.08. Кандидатская диссертация. – Москва: 2014. – 167 с.

o'quv-uslubiy yordam ko'rsatish ishlari amalga oshirgan.

Boshqaruv kompetentligi — bu o'qituvchining o'quv jarayonini rejalashtirish, tashkil qilish, nazorat qilish va baholash ko'nikmalarini qamrab oluvchi, ta'limni boshqarish bilan bog'liq qobiliyatlar majmuasi.

Innovatsion ta'lim muhitida boshqaruv kompetentligi o'qituvchining nafaqat ta'lim berish jarayonini samarali boshqara olishini, balki o'quvchilarning o'z-o'zini boshqarish qobiliyatlarini shakllantirishga ham imkon berishini talab qiladi.

Tadqiqotning maqsadi bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining boshqaruv kompetentligini shakllantirish usullarini takomillashtirishdan iborat.

Tadqiqotning obyekti bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining boshqaruv kompetensiyalarini takomillashtirish jarayonlari deb belgilanib, tajriba-sinov ishlariga Toshkent Kimyo xalqaro universiteti, Qarshi davlat universiteti, Qo'qon davlat pedagogika instituti, O'zbekiston Finlyandiya pedagogika institutlarining 535 nafar boshlang'ich ta'lim yo'nalishida tahsil olayotgan talabalar jalb qilindi (bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilari).

Muhokama va natija.

Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisining boshqaruvchilik kompetentligining samaradorligini oshirish uchun quyidagi takomillashtirish yo'llari bilish va amalga oshirish maqsadlidir.

1. *Fanlarni chuqur o'zlashtirish.* Oliy o'quv yurtlarida aynan boshlang'ich ta'lim yo'nalishi talabalarini nazariy va amaliy bilimlarga ega bo'lishi muhimdir. Boshqaruv faoliyatiga tayyorlashda "Boshlang'ich ta'lim menejmenti", "Pedagogik kompetensiya" fanlarini o'quv rejaga kiritish maqsadlidir. Bu fanlarni bilish orqali o'quvchilarning yosh va shaxsiy xususiyatlarini inobatga olgan holda boshqaruvni amalga oshirish qiyinchiliklarni bartaraf etishni, yechimini topishni o'rganadi.

2. *Nizolarni boshqarish.* Sinfda yuzaga keladigan muammo yoki nizolarni tezda hal qilish uchun bilim va muloqot ko'nikmalarini bilish lozim. Rahbarning bosim o'tkazilganda va ziddiyatli vaziyatlarda o'zini qo'lga ola bilish xususiyati muhimdir. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi stressli vaziyatlarni boshqarishi, bir

vaqtning o'zida bir necha muammo va masalalarni samarali hal eta olishi, tanqid, tuhmat va shu kabilarga uchraganda ham o'zini nazorat qila olishi, qiyin vaziyatlarda ham yumor kayfiyatini saqlay olishi, stresslarni kamaytirish, yo'qotish maqsadida o'z xulq-atvorini boshqara olishi hamda o'z-o'zini nazorat qilishi, tushunishi, tahlil qila olishi muhimdir.

3. *Sinf ichidagi munosabatlarni boshqarish:* Boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'ziga birlashtirilgan o'quvchilar bilan ijtimoiy va emotsional munosabatlar o'rnatib, o'zaro hurmatni, ishonchni mustahkamlashga intilishi kerak. Sababi jamoa bo'lib, hamkorlik qilishlari, do'st, birodar sifatida bir yoqadan bosh chiqarib, bir maqsad ostida ta'lim-tarbiya olishida o'qituvchining o'zni beqiyosdir. Jamoada ishlash ko'nikmalarini tarbiyalash-jamoada rahbarining guruhni birgalikda ishlashga o'rgatishi orqali o'z qiziqishi, ko'nikmasi va muvaffaqiyatini namoyish eta olish kompetensiyasi¹. A.Kron ta'kidlaganidek "Odamlarni hurmat qil. Ularning haq-huquqlarini, mehnatini, tinchligini, fikrlarini va qadr-qimmatini e'zozla"². Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'quvchilar, ota-onalar va hamkasblar jamoalari bilan ishlashda ularning g'oyalarini eshita olishi, jamoaning boshqa a'zolari taklif hamda g'oyalarini qo'llab-quvvatlashi, jamoaning boshqa a'zolari bilan o'z muammolarini ochiq-oydin bo'lisha olishi, o'z noroziligini konstruktiv ravishda ifoda yeta olishi, jamoaning boshqa a'zolari yutuqlarini qo'llab-quvvatlay olishi, jamoaning boshqa a'zolari bilan o'z fikrlarini adolatli va konstruktiv bo'lisha olishi, jamoaning barcha a'zolari qo'llab-quvvatlaydigan qarorlar uchun kurashishi, kasbiy bilim va tajribalarini jamoaning boshqa a'zolari bilan bo'lisha olishi, bilim va tajribaga ega bo'lish maqsadida guruh tarkibida ishlashi maqsadga muvofiqdir. Shuning uchun ham talabalarni jamoani boshqarishni, munosabatlarni o'rnatishni, tushunishni, samimiy bo'lishni, tahlil qila olishni hamda to'g'ri xulosa chiqara olishni o'rgatishimiz zarur.

4. *Ochiq va samimiy muloqot:* Boshqaruv jarayonida muloqot juda muhim jihattir. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'z fikrlarini aniq

¹ Hayitov O.E., Djalalova S.M. Boshqaruv psixologiyasi: O'quv qo'llanma. TDIU, 2008. – 184 b. 80-bet

² Razzoqov. Sh. Rahbarlik san'ati. – Toshkent: Lesson Press, 2017. – 120 b, b-15.

va tushunarli tarzda ifodalashi, o'quvchilarning fikrlarini tinglashi, ularga qayta aloqa berish orqali samarali boshqaruvni amalga oshiradilar. Boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'quvchilar, otionalar va hamkasblarni oson tushuna olishlari uchun barcha tovushlarni to'g'ri talaffuz qila olishi, professional hamkorlik jarayonida gapni tuzishda auditoriyaning bilim darajasi va tajribasini hisobga olishi, og'zaki nutqda grammatik to'g'ri so'zlar va gap qurilishlaridan foydalana olishi, mantiqan to'g'ri gapira olishi, g'oyalarini qisqa va lo'nda qilib ifodalay olishi lozim. Yozma muloqot esa -bu rahbardagi ish bilan bog'liq yozishmalarda fikrini tushunarli qilib yoza olish zarur jihaddir'. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi rahbar sifatida qog'ozga fikrlarni qisqa va lo'nda qilib yoza olishi, fikrlarni qog'ozda ketmaket, xat boshidan qilib yozadi va axborotlarni o'quvchiga ravon qilib yetkaza olishi, yozma fikrlarni shunday tuzadiki, o'quvchiga ma'lumotlar aniq yetib bora olishi, qiyin yoki texnik ma'lumotlarni izohlashda grafiklar yoki boshqa vositalardan foydalana olishi, orfografik xatolarsiz yoza olishi, yozma muloqotda maxsus yozuv usullarini (yozuv tillarini) qo'llay olishi, tinish belgilarini to'g'ri qo'ya olishi, grammatik qoidalarga amal qilishi maqsadlidir.

5. *Tashkilotchilik*- bu muayyan ish harakatni boshlab berish, tashkil etish, uyushtirish yoki uyushtirishni oqilona rejalashtirish xislati. Ushbu sifatga ega bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'yin, ta'lim va mehnat ko'rinishidagi faoliyatlarni tashkil etish, ijtimoiy munosabatlar jarayonini faollashtirish, jamoani jipslashtirish hamda yagona maqsad atrofida birlashtirishda tashabbus hamda nazoratni o'z qo'lga olish, uni samarali boshqarish va mavjud imkoniyatlaridan unumli foydalanish, shuningdek, jamoadoshlarni faollik ko'rsatishga rag'batlantirish, yetakchilik (liderlik) fazilatiga egalikdir.

6. *Emotsiyalarni boshqarish*. Professor G'.G'oziyev emotsiya-odatda tashqi alomatlari yaqqol namoyon bo'ladigan his-tuyg'ularni, ichki kechinmalarni ifodalanishidan iborat psixik jarayonni yuzaga kelishining aniq shak-

¹ Hayitov O.E., Djalalova S.M. Boshqaruv psixologiyasi: O'quv qo'llanma. TDIU, 2008. - 184 b. 78--bet

² Hayitov O.E., Djalalova S.M. Boshqaruv psixologiyasi: O'quv qo'llanma. TDIU, 2008. - 184 b. 68--bet

lidir, deb ta'kidladilar³. Emotsiyalarning tashqi ifodasiga mimika, imo-ishora, aft-bashara va qad-qomatning o'zgarishlari, yosh hamda ayrim harakatlarning xususiyatlaridagi o'zgarishlari ya'ni ularning tezligi, kuchi, koordinatsiyasi va hokazolar kiradi. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchilarining boshqaruv jarayonidagi hissiy-emotsionalni boshqarishi muhim sanaladi. Yosh avlodni tarbiyalashda avvalo o'zining emotsiyalarini boshqarishi orqali boshqalarga ta'sir qila oladi.

7. *Axborot texnologiyalarini bilishi hamda qo'llay olishi*. Zamonaviy axborot texnologiyalar (masalan, taqdimotlar, interaktiv qurilmalar) ni qo'llash orqali boshlang'ich sinf o'qituvchilarni darsni hamda darsdan tashqari faoliyatlarini interaktiv va qiziqarli qilib tashkil qilishi muhimdir. Innovatsiyon ta'lim muhitini yaratishda talabalarni raqamli texnologiyalarni bilishi va ulardan amaliyotda qo'llay olishi zarur.

8. *Kreativlik* - shaxsni rivojlantiruvchi kate-goriya sifatida inson tafakkuri, ma'naviyatining ajralmas qismi hisoblanadi, u shaxs ega bo'lgan bilimlarning ko'pqirrali ekanligida yemas, balki yangi g'oyalarga intilish, o'rnatilgan stereotiplarni isloh qilish, o'zgartirishda, hayotiy muammolarni yechish jarayonida kutilmagan bo'ladigan odatiy qarorlar chiqarishda namoyon bo'ladi. Bo'lajak boshlang'ich sinf o'qituvchisi va shuncha o'quvchilarning ijodiy salohiyati va sharoitini hisobga oluvchi ta'limning yangi shakllarini yo'lga qo'yilishi zarur. Ken Robinsonning fikriga ko'ra, "Kreativlik - o'z qiymatiga ega original g'oyalar majmui"dir. Gardner esa o'z tadqiqotlarida "Kreativlik-shaxs tomonidan amalga oshiriladigan amaliy harakat bo'lib, u o'zida muayyan yangilikni aks ettirishi va ma'lum amaliy qiymatga ega bo'lishi lozim"⁴. Olimning yondashuviga ko'ra kreativlik muayyan birga bo'yicha o'zlashtirilgan puxta bilimlar bilan ham yuqori darajada noodatiy ko'nikmalarga ega bo'lish demakdir. Kreativlik ayniqsa ta'lim jarayoniga unchalik qiziqish bildirmayotgan o'quvchilarga yordam berishi mumkin va ular o'z fikrini ayta olishiga, salohiyatini ochishiga xizmat qiladi. Talabalarda bu sifatlarni shakllanganlik

³ Goziyev E. Umumiy psixologiya (darslik). - Toshkent: 2002. - 182- bet

⁴ Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving) - Alexandria - Virginia, USA: ASCD, 2014. - p. 4

1- jadval. E. Jarikov, E. Krushelnitskiyning «Liderlik qobiliyatlari diagnostikasi» metodi yordamida liderlik qobiliyatlari shakllanish darajasini diagnostika qilish natijalari (%) (tajriba-sinovdan oldingi natijalar)

Ko'rsatkichlar	Tajriba guruhi								Nazorat guruhi							
	KIUT (n-103)		QarDU (n-31)		QDPI (n-44)		O'zFIPI (n-90)		KIUT (n-103)		QarDU (n-31)		QDPI (n-43)		O'zFIPI (n-90)	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Yuqori	20	19%	7	23%	12	23%	18	20%	20	19%	8	26%	11	25%	18	20%
O'rta	44	43%	14	45%	18	41%	38	42%	44	43%	13	42%	17	40%	38	42%
Past	39	38%	10	32%	14	32%	34	38%	39	38%	10	32%	15	35%	34	38%

2- jadval. E. Jarikov, E. Krushelnitskiyning «Liderlik qobiliyatlari diagnostikasi» metodi yordamida liderlik qobiliyatlari shakllanish darajasini diagnostika qilish natijalari (%) (tajriba-sinovdan keyingi natijalar)

Ko'rsatkichlar	Tajriba guruhi								Nazorat guruhi							
	KIUT (n-103)		QarDU (n-31)		QDPI (n-44)		O'zFIPI (n-90)		KIUT (n-103)		QarDU (n-31)		QDPI (n-43)		O'zFIPI (n-90)	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
Yuqori	31	30%	11	36%	16	36%	26	29%	20	19%	8	26%	11	25%	18	20%
O'rta	51	50%	15	48%	21	48%	44	49%	44	43%	13	42%	17	40%	38	42%
Past	21	20%	5	16%	7	16%	20	22%	39	38%	10	32%	15	35%	34	38%

darajasini aniqlash uchun quyidagi Talabalarda liderlik qobiliyatlarini shakllanganlik darajasini aniqlash uchun Jarikov, E.Krushelnitskiyning «Liderlik qobiliyatlari diagnostikasi» metodikasini oldik.

1-jadvalda ko'rishimiz mumkinki, E.Jarikov va E.Krushelnitskiyning «Liderlik qobiliyatlari diagnostikasi» metodidan¹ foydalanib, boshlang'ich ta'lim yo'nalishida tahsil olayotgan tajriba guruhi va nazorat guruhi talabalarining liderlik qobiliyatlarining shakllanish darajasini aniqlandi. Har bir guruhda yuqori, o'rta va past darajadagi liderlik qobiliyatiga ega bo'lganlar soni va foizlari keltirilgan.Tajriba guruhi-yuqori darajadagi liderlik qobiliyati bilan ajralib turadigan guruhlar o'rtacha 20% ni tashkil etadi. Bu ko'rsatkich Toshkent Kimyo xalqaro universiteti (KIUT) va O'zbekiston Finlyandiya pedagogika instituti (O'zFIPI) guruhlarida 19% ni tashkil qilsa, Qarshi davlat universiteti (QarDU) va Qo'qon davlat pedagogika instituti (QDPI) guruhlarida bu foiz 23% ga etadi.

Nazorat guruhi uchun yuqori darajali liderlik qobiliyatiga ega bo'lganlarning foizi o'xshash darajada, lekin QarDU (26%) va QDPI (25%) guruhlarida ko'proq. Boshqa guruhlarda yuqori

darajadagi liderlik ko'rsatkichlari 19-20% atrofida qoladi.

Bu shuni anglatadi, tajriba sinov ishiga ajratib olingan talabalarda liderlik qobiliyatlarini shakllantirish zarurati borligini ko'rishimiz mumkin. Liderlikni rivojlantirishga qaratilgan maxsus dasturlarni amalga oshirish muhimdir. Dasturimizda ma'ruzalar, amaliy mashg'ulotlar, o'z-o'zini rivojlantirishga doir kitoblar, onlayn platformalarni o'z ichiga oladi. Yana pedagogik amaliyotlarni o'tash davridagi boshqaruvdagi muammolar keys stady metodlaridan foydalangan holda yechimini topishni o'rgatildi.

2-jadvalda ko'rishimiz mumkinki dasturdan so'ng tajriba guruhi va nazorat guruhi talabalarining liderlik qobiliyatlarining shakllanganlik darajasini aniqlandi. Tajriba guruhi talabalarida (KIUT, QarDU, QDPI, O'zFIPI) ning yuqori darajadagi liderlik qobiliyatlari tajriba-sinovdan oldin 19-23% atrofida bo'lsa, keyin bu foiz 30-36% ga ko'tarilgan. O'rta darajaga ega bo'lganlar soni esa tajriba-sinovdan oldin 41-45% bo'lsa, keyin bu foiz 48-50% gacha oshgan. Past darajadagi liderlik qobiliyatlari sinovdan oldin 32-38% bo'lsa, sinovdan keyin esa bu foiz 16-22% ga pasaygan. Tajriba guruhi va nazorat guruhi o'rtasidagi farqlarda tajriba guruhi talabalarida liderlik qobiliyatlarining o'sishi sezilarli, ayniqsa yuqori va o'rta darajalarda. dasturi samarali bo'lganini va tajriba guruhi a'zolari o'z liderlik qobiliyatlarini rivojlantirganini ko'rsatadi.

¹ Спивак В.А. Лидерство Практикум: учеб. Пособие для академического бакалавриата -М: Издательство Юрайт, 2014. - С 19-23

Nazorat guruhida esa liderlik qobiliyatlarining darajasi deyarli o'zgarmagan, bu o'z-o'zidan o'sishni yoki rivojlanishni ko'rsatmaydi.

Dastur yordamida liderlik qobiliyatlarini rivojlantirishning samaradorligi tajriba guruhidagi ijobiy o'zgarishlar orqali aniq namoyon bo'lganligini ko'rishimiz mumkin. Bu tajriba guruhi uchun olib borilgan dasturlar, metodlar va amaliy mashg'ulotlar liderlik qobiliyatlarini yaxshilashda muvaffaqiyatli bo'lganini anglatadi.

Xulosa.

1. Bo'lajak boshlang'ich ta'lim o'qituvchisining boshqaruv kompetensiyasi takomillashtirishda sinf ichidagi munosabatlarni boshqarishni, samimiy muloqotni, tashkilotchilik, liderlik, nizolarni boshqarishni, emotsiyalarni boshqarish, boshqaruvdagi kreativliklarni bilishi

va amaliyotga tatbiq qilishi muhimdir. Bu sifatlarni ta'lim- tarbiya jarayonida ya'ni ma'ruza seminar, amaliy mashg'ulotlar, tarbiyaviy tadbirlar, seminar-treninglar, mustaqil ta'lim hamda pedagogik amaliyotlarni tashkil qilish orqali talabalarni boshqaruv faoliyatiga tayyorlaymiz. Shuningdek onlayn platformalardan samarali foydalana olish ko'nikmasini shakllantirish muhimdir. Bu esa o'z-ozini rivojlantirishga turtk bo'ladi.

2. Shuni unutmaslik kerakki, yuqori kasbiy pedagogik kompetentlik nafaqat bilim darajasi balki xodimning amaliy ko'nikmalari, tajribasi shaxsiy, axloqiy va aqliy (intellektual) fazilatlariga bo'lishi uchun "Boshlang'ich ta'lim menejmenti", "Pedagogik kompetensiya" fanlarini o'quv rejaga kiritish maqsadlidir.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5847-son Farmoniga 1-ilova.
2. Ochilova G.O. Kasbiy kompetentlik. O'quv qo'llanma. – T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2021 – 228 b.
3. Xайитов О.Э., Джалалова С.М. Бoшқарув психологияси: Ўқув қўлланма. – ТДИИ 2008. – 9-бет.
4. Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании. – www.eidos.ru. 2015, 09, 10.
5. Лебедев О.Е. Компетентностный подход в образовании. – www.nekrasoverb.ru
6. Зимняя И.А., Ключевых И.А. Компетенции – новая парадигма результата образования. – quality.petrus.ru.
7. Razzoqov. Sh. Rahbarlik san'ati. // Toshkent. – Lesson Press, 2017. – 120 b. b-15.
8. Goziyev E. Umumiy psixologiya (darslik). – Toshkent: 2002. – 182- bet.
9. 9.Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem solving). – Alexandria – Virginia, USA: ASCD, 2014. – p. 4.
10. Разумовский Владислав Андреевич. Теоретико-методические подходы к формированию компетентности учителя в области реализации управленческих функций на примере дополнительного профессионального образования 13.00.08 Кандидатская Москва 2014. – 167 с.
